«Д» КАТЕГОРИЯ КЕРАКМИ?

Ишлари осон кўчаётганидан хурсанд бўлган ота, хизматга тайёр эканлигини айтган эди, Н.Бобоёров керакли ҳужжатлар билан 1000 АҚШ доллари олиб келишса, қолганини ўзим ҳал қиламан, дея гапни қисқа қилди.

2-бет

АДОЛАТ УСТУВОР БЎЛСИН

Бир томондан олганда, ҳаммаси қонуний якун топгандай. О.Тўраев ҳам суднинг қароридан қаноат ҳосил қилиши мумкин эди. Унда О.Тўраев нега фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига ишончли вакили орқали шикоят аризаси билан мурожаат этди?

7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 19-iyul, №29 (810)

Парламентда

Қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис депутатларнинг "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқишлари билан бошланди. Мазкур ҳужжат амалдаги норматив-ҳуқуқий базани "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқлаштиришга қаратилгандир. Қонун лойиҳасида хатланган мол-мулкни реализация қилиш, аукцион савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби аниқ баён этилган. Чунончи, автомототранспорт воситаларини реализация қилиш ихтисослаштирилган савдо ташкилотлари томонидан очиқ аукцион шаклидаги ким ошди савдосида, кўчмас мулкни реализация қилиш эса риэлторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг депутатлар қонунни қабул қилдилар.

Шундан сўнг депутатлар «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни самарали ҳал этиш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини кенг қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳасида "Прокуратура тўғрисида"ги, "Судлар тўғрисида"ги Қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодексларининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унда, хусусан, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг суд тартиби, жиноят ишларини кўзғатишни судларнинг ваколатлари таркибидан чиқариб ташлаш, шунингдек, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор бошқа масалалар назарда тутилмоқда. Моддамодда муҳокама якунларига кўра қонун қабул қилинди.

Шу билан бир қаторда, парламентнинг қуйи палатаси аъзолари фуқаролар томонидан уларни турган жойи бўйича қайд этиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни такомиллаштиришга, шунингдек давлат ёнғин хавфсизлиги назорати органлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар ва қабул қилдилар.

"Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан кўриб чиқилган яна бир муҳим ҳужжатдир. Қонун лойиҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлари бўлмаган мансабдор шахслар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиққанлик ва текширишлар ўтказганлик, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб турганлик, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги ҳақида ахборот тақдим этишни талаб қилганлик учун жавобгарликни жорий этиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

Ифтихор

Нурга чулғанган диёр

Истиқлол юртимизнинг ҳар бир гўшасига ўзгача чирой бағишлади. Одамларимизнинг яратувчанлик, бунёдкорлик тушунчалари уларнинг кўнгил амрига айланди. Бошқача қилиб айтганда, "Биздан озод ва обод Ватан қолсин", деган эзгу шиор амалий ифодасини топиб бораётир. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида, маънавий ва маданий тараққиётида муҳим ўрин тутувчи Наманган вилоятида ҳам ўтган давр мобайнида тарихий янгиланишлар кузатилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш борасидаги улкан бунёдкорлик ишлари вилоят ҳаётига ўзгача файз киритди.

Айни кунларда вилоят маркази — Наманган шаҳрига келганлар унинг ҳусни ва тароватини кўриб лол қолиши тайин. Истиқлолнинг порлоқ қуёши Наманганнинг бутун борлиғини нурга чулғагандек, гўё. Кафтдек текис, кенг ва равон йўллар, миллий ва замонавий меъморчилик андозаларига мос тарзда барпо этилган муҳташам иморатлар, гулзор ва хиёбонлар шаҳарни бутунлай ёшартириб юборган. Бу ўзгаришлар бошида эзгу ғоялар ижодкори бўлган Юртбошимиз турганини вилоятимиз аҳли бугун ғурур билан тилга олади.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг "Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори кенг кўламли бунёдкорлик ишларида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур йўналишда "Фарғона ҳалқа йўли"нинг 10 километрлик қисмида 6 қатновга мослаштирилган йўл ва йўл ўтказгич иншооти қурилиб, транспорт ҳаракати тирбандлигига барҳам берилди. "Дўстлик" шоҳкўчаси реконструкция қилиниб, унинг икки четида савдо, маиший хизмат ва сервис шохобчалари барпо этилди. Вилоятнинг ҳаво дарвозаси ҳисобланмиш аэропорт биноси мукаммал таъмирдан чиқарилиб, жаҳон андозаларига мослаштирилди. Эндиликда бу ерда энг йирик "Боинг" русумли самолётларни ҳам қабул қилиш мумкин. Собиқ ёғ-мой корхонаси ўрнида 8 та қўпқаватли уй барпо этилди. Мазкур ҳудуддаги "Истиқлол" кўчасида "Ёшлар спорт мажмуаси" фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, "Яшил деҳқон бозори", "Сардоба", "Чорсу" деҳқон бозорлари кўркам қиёфа касб этди. Навоий кўчасида "Ёшлар маркази" ишга туширилди. Эътиборли жиҳати, қурилаётган ва таъмирдан чиқарилаётган иншоотларнинг барчаси ўз кўринишига эга, бири бирини асло такрорламайди.

/Давоми 4-5-бетларда/

Тадбир

Нукус гарнизони офицерлар уйининг мажлислар залида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда "Мустаҳкам ҳарбий оила — Қуролли Кучларимиз таянчи" мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ҳуқуқий саводхонликни ошириш йўлида

Ботир КУДРАТХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Энг аввало, Конституциямизда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланиб, шу асосда Оила, Фуқаролик, Уйжой кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда бу борада тегишли ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамлаб қўйилди.

Жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши, шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилингани ва бу борадаги қонунчиликни замон талабларига уйғун равишда такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилаётгани ҳам юртимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, жисмонан бақувват, маънавий етук баркамол авлодни вояга етказишда унинг ўрнини янада ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини юксалтириш каби аниқ мақсадларни қамраб олган.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори, генерал-майор Ш.Узаков кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2012 йил 26 май кунги фармойишига асосан республикамиз мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълим олишнинг иккинчи босқичи бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим билан тўлиқ қамраб олиш, таълим йўналишини танлашга кўмаклашиш, ниқоҳ ёшига етмаган қизларни шаръий никоҳ орқали эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш, ўқувчилар давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини янада ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш устидан назоратни таъминлаш биз, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг вазифаси эканлиги, аниқланган ҳолатлар юзасидан қатъий чоралар кўрилиши белгиланганини таъкидлаб ўтди.

Суҳбатда иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси прокурори С.Самадов "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури асосида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, Шимоли-ғарбий ҳарбий округи қўшинлари кўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник И.Маллаев ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси йўналишида Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши кураш ва гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфли жиҳатлари, ҳарбий хизматчиларга узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда уй-жойлар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуришда яратилаётган имтиёзлар, ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти, шунингдек, хизмат вазифаларини бажаришда юқори натижаларга эришган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш тартиби хусусида жонли мулоқот бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Шимоли-ғарбий ҳарбий округида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этдилар.

Давра суҳбати якунида тадбирда иштирок этган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларига маърузачилар томонидан тўлақонли жавоблар олишди.

Ҳаловат ҳалолликдадир

Рустамжон АБДУЛЛАЕВ,
Андижон туман прокурори

Мамлакатимиз раҳбари томонидан жорий йил "Мустаҳкам оила йили" деб номланди. Бу борада Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ қилинмоқда. Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш оилаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид қатор ижобий ишлар амалга оширилаётир. Мазкур хайрли ишда ўзини ўзи бошқариш органи бўлган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ўз зиммаларидаги вазифаларни шараф билан адо этмоқдалар. Бироқ, гуруч кўрмаксиз бўлмаганидек, барча масъулият билан ёндашаётган бу ишга панжа орасидан қарайдиган шахслар ҳам учраб қолаётгани кишини ўйга толдиради.

Андижон туман прокуратураси томонидан айни йўналишда амалга оширилаётган ишлар юзасидан текшириш ўтказилганда, бу борада қатор ютуқлар қайд этилиши билан бирга, камчиликлар ҳам фош этилди. Чунончи, тумандаги "Толмозор" маҳалла фуқаролар йиғини мансабдорлари ўз мансаб мавқеларини суиистеъмол қилиб, 2011 йил ва жорий йилнинг 3 ойи давомида ушбу МФЙда рўйхатда турмайдиган 17 нафар фуқарога нафақа пули тайинлаб, жами 12 млн. 56 минг сўмлик бюджет маблағини талон-торож қилиб юборишган.

Шунингдек, улар ўз ноқонуний фаолиятларини давом эттириб, 2011 йил ва 2012 йилнинг 3 ойи давомида амалдаги "Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги, "Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида"ги ҳамда "Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомлар талабларини қўпол равишда бузганлар. Хусусан, белгиланган тартиб ва меъёрларга зид тарзда 77 та ҳолатда фуқароларга жами 22 млн. 728 минг сўмлик нафақа ортиқча тайинланиб, жамият ва давлатимиз манфаатларига жиддий зиён етказилган.

Туманнинг "Хартум" қишлоғи "Терактаги" маҳалласидаги мансабдорлар ҳам ўз ваколатларидан фойдаланиб, мазкур маҳаллада рўйхатда турмайдиган 4 нафар шахсга нафақа тайинлаб, тўлаб юборишлари оқибатида 3 млн. 965 минг сўм миқдордаги бюджет маблағлари растрата йўли билан талон-торож қилинган. Шунингдек, ўтган йил ва жорий йилнинг 3 ойи мобайнида 19 нафар фуқарога асоссиз равишда ортиқча нафақа тўланиб, давлат манфаатига 2 млн. 124 минг сўм миқдорида зарар етказилган.

"Бўтақора" қишлоғининг "Намуна" маҳалласидаги аҳвол ҳам намунали эмас. Ҳудуддаги мансабдорлар 2011 йилнинг июнь-август ойларида фуқаро Ҳ.Солиевага тайинланган жами 477 минг 960 сўм, ҳаммаси бўлиб 791 минг 300 сўм маблағни ўзлаштириб юборганлар. Шунингдек, улар юқорида қайд этилган Низомлар талабларини қўпол равишда бузиб, 26 млн. 449 минг сўм миқдоридаги нафақа пулларини ортиқча тўлаб юборишган. "Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр", деб шуни айтсалар керак-да!

"Ёрбоши" қишлоғи "Айрилиш" МФЙ мансабдорларининг ҳам "ётиб қолгунча отиб қол" шиорига амал қилишгани аён бўлди. Улар 2011 йилнинг август-декабрь ойларида қарамоғида 2 ёшгача бўлган фарзанди бор 8 та онага нафақа тайинлаб, 1 млн. 495 минг сўмлик бюджет маблағини растрата қилиш йўли билан ўзлаштириб юборганлар. Ўзларининг ноқонуний фаолиятларини давом эттириб, нафсларига эрк берган мансабдорлар воягa етмаганларга нафақа тўлаш Низоми талабига зид тарзда, ўтган йили 10 нафар фуқарога 623 минг 962 сўм миқдорда ортиқча нафақа тўлаб, давлат ва жамият манфаатига шунча миқдорда зарар етказишган.

Мазкур ҳолатлар қонун нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилиб, ўз нафсини ўйлаган мансабдорларга тегишли чора кўрилди. Халқимизда етимнинг ва гўдакларнинг ҳақига хиёнат қилиш кескин қораланади. Шундай экан, бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Ҳайдовчилик ўта масъулиятли касблардан бири саналади. Ҳушёрликни салгина йўқотиш ҳам қимматга тушиши мумкин. Айниқса, йўловчи ташишга мўлжалланган транспорт ҳайдовчиларининг жавобгарлиги ва масъулияти икки карра ортиқдир.

«Д» категория керакми?

Диёржон МУЗАФФАРОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим катта терговчиси

Шунингдек, ҳайдовчилик гувоҳномасида "Д" тоифага рухсат берилган ҳайдовчиларгина автобус ва бошқа йўловчи ташийдиган уловларни бошқаришлари мумкин. Бунинг учун талабгорлар муайян ўқув курсида ўқитилиб, тажрибаси оширилади ва тегишли имтиҳону синовлардан ўтгач, бу ишга лойиқ, деб топилади. Бироқ, ҳамма ҳам бирдек сабр-қаноатли эмас. Ҳафиз бирдан автобус ҳайдовчиси бўлишни истаб қолади.

У автобус ҳайдаб, бирикки сўм пул топса, рўзғорга ёрдами тегиши ҳақида отасига гап очган эди, Ҳамроқул ака унда ҳайдовчилик гувоҳномаси борлигини айтиб, раъйини қайтармади.

Аммо гувоҳнома бўлгани билан автобус бошқариш учун "Д" тоифасини олиши кераклиги уларни ўйлантириб қўйди.

Шундан сўнг ота-бола маслаҳатлашиб, Жомбой туманига йўл олишди. Уларни "Ватанпарвар" ташкилоти Жомбой автомобил мактаби бошлиғининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Норбек Бобоёров кутиб олди.

У Ҳафизнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси борлигини, лекин "Д" тоифани олиши кераклигини эшитгач, ёрдам қилишга ваъда берар экан, илгари ҳайдовчилик мактабида ўқиганлиги тўғрисидаги шахсий имтиҳон варақаси ва бошқа ҳужжатларни олиб келишни тайинлади. Шунингдек, агар иш тезлашсин, деса, буёғини ҳам тезлаштиришни шама қилиб қўйди.

Ишлари осон кўчаётганидан хурсанд бўлган ота, хизматга тайёр эканлигини айтган эди, Н.Бобоёров керакли ҳужжатлар билан 1000 АҚШ доллари олиб келишса, қолганини ўзим ҳал қиламан, дея гапни қисқа қилди.

Ҳамроқул ака фарзандлари кўплигини, оилавий шароити оғирлигини айтиб, пулни камайтиришни илтимос қилган эди, аммо Н.Бобоёров бир сўм ҳам тушолмаслигини айтди.

Уйларига қайтган ота-ўғил бу маблағни топиш ҳақида роса бош қотиришди.

— Минг доллар дейдими, унда керак эмас, — дея ҳафсаласи пир бўлган Ҳафизнинг ҳолатини кўриб эзилган ота директор ўринбосарининг тамагирлиги устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ўтказилган тезкор тадбирда тамагир ходим пора олаётган пайтда ашёвий далил билан қўлга олинди.

Суд ҳукми билан Норбек Бобоёровга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Бундан ташқари, у 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.

Мўмай даромад илинжида

Ориф НУРНАЗАРОВ,
СВОЖЖДЛКК Департаментининг
Чиноз туман бўлими бошлиғи

Ҳар қандай ишнинг муваффақияти замирида, аввало, қонунга итоаткорлик, энг муҳими, халқ манфаати мужассам бўлганидагина мақсадга эришилади. Аммо, орамизда ҳамон бундай хислатлардан узоқ бўлган кимсалар ҳам учраб турибди. Аниқроғи, мавжуд қонунларга чап бериб, кўча-кўйда, турли тақиқланган жойларда хориж валютасини алмаштиришни ўзларига "касб" қилиб олганларга дуч келинмоқда. Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан валютага оид жиноятларни аниқлаш, валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш, валюта соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош этиш борасида ўтказилаётган тезкор тадбирларда қонунбузилиши ҳолатларини содир этаётган кимсаларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида Департаментнинг Чиноз туман бўлими томонидан хорижий валютанинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши ва валюта айирбошлаш операциялари билан боғлиқ қонунбузилишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тадбирлар натижасида ана шундай ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, енгил даромад топиш илинжида қинғир ишга қўл урганлардан бири фуқаро Саид-Алижон Ниёзовдир. У валюта қимматликларини республикамизда ноқонуний муомалага киритиш, сотиб олиш, айирбошлаш жиноят эканлигини билса-да, тавакка-кал қилиб, шуғуллана бошлади. Аммо, Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ноқонуний равишда бир АҚШ долларини 2850 сўмдан ҳисоблаб, 4 минг 200 АҚШ долларини 11 млн. 970 минг сўмга сотаётган вақтда ушланди. Тадбир якунида ундан 4 минг 230 АҚШ доллари, 27 минг 900 Қозоғистон тенгеси, 60 Россия рубли ва 3 млн. 630 минг 800 Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олинди.

"Янги Чиноз" кўрғони балиқ бозори ёнида жойлашган "Зафар Бегзод савдо" ошхонасида тамадди қилиб, сўнг ҳисоб-китоб қилишни АҚШ долларида амалга оширмоқчи бўлганларнинг ҳам режалари амалга ошмади. Аниқроғи, фуқаролар А.Арифжонов, О.Надарашвили, В.Дидисклин ва Р.Аҳмедбековлар ошхонада овқатланган, қалбаки 100 АҚШ доллари бериб, қайтимини сўмда беришни таклиф қилишган. Ўтказилган тезкор тадбирда А.Арифжоновнинг ёнидан яна муомалага киритмоқчи бўлган 200 АҚШ доллари борлиги аниқланиб, улар ашёвий далил сифатида олинди. Суриштирув жараёнида у ёнидаги 200 АҚШ доллари қалбаки эканлиги, ушбу қалбаки маблағларни қўшни давлатлардан сотиб олганлиги тўғрисида кўрсатма берди. Шунингдек, А.Арифжонов 500 АҚШ долларини 500 минг Ўзбекистон сўмига сотиб олганлигини, унинг 200 АҚШ долларини турли ошхоналарда тамадди қилиб, ҳисоб-китобларга сарфлаганлиги, қолган 300 АҚШ долларини Чиноз туманига ўтказиш мақсадида келганлигини айтиб, ўз қилмишидан пушаймон эканлигини билдирди.

Файриқонуний йўл билан топилган маблағ эвазига келган бойлик қум устига қурилган қасрга ўхшайди, гўё. Бу бино қанчалик ҳашамдор ва жозибали бўлмасин, омонатдир. Бу ҳақиқатни унутган айрим кимсалар эса ҳалолликка эргашиш ўрнига, шахсий манфаатларини қондириш учун нопоклик йўлидан юрадилар.

Қонун тарозисини унутган кимсалар қонун билан юзмаюз келганларидагина қилмишларидан пушаймон бўладилар. Аммо қонун барчага баробар. Сўнгги пушаймонинг фойдаси йўқ. Юқоридаги барча ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, қонунбузарларга нисбатан қонунда белгиланган жазо чоралари қўлланилди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида юртимизда иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларни ислоҳ этиш баробарида эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислоҳотлар ҳам босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит ва шарт-шароитлар барпо этишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини самарали ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилди. Бу эса, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун катта имконият ва имтиёзлар бермоқда. Бироқ, айрим кимсаларнинг юртимизда яратилаётган қулай тадбиркорлик муҳитини бузишга уриниб, ноқонуний ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, жиноий даромад орттиришга ҳаракат қилаётгани кечириб бўлмас ҳол, албатта.

Қўлбола шампун

Отабек МАМАТМУРАТОВ,
СВОЖЖДЛКК Департаментининг Олмалиқ шаҳар бўлими катта инспектори

Аftидан, Олмалиқ шаҳрида вақтинча истиқомат қиладиган Роҳила Умарова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан бехабар кўринади. Акс ҳолда, ижарада яшаб келаётган хонадонида яширин цех ташкил қилиб, қўлбола шампун савдосини йўлга қўярмиди?! "Сохта тадбиркор" сифати ва хавфсизлигини таъминлайдиган мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси бўлмаган шампунларни яширинча ишлаб чиқариб, "Ўриқзор" бозорида номаълум шахсларга пуллаб келган. Келаётган даромаддан боши кўкка етиб, қўлбола шампун савдосига берилиб кетган Роҳила вақти келиб, жиноий ҳаракатлари изсиз кетмаслигини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Аммо қинғир йўлдаги йўловчи қаердадир қоқилиши бор гап. Шу жумладан, Роҳиланинг ҳам қинғир ишларига чек қўйилди.

2012 йил 8 май куни "Нексия" русумли машинага "юк"ларини ортаётган Роҳила Умарова Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Олмалиқ шаҳар бўлими ходимлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда қўлга олинди. 11 турдаги, жами 151 дона қўлбола усулда ишлаб чиқарилиб, елим идишларга қадоқланган ва уларни тайёрлашда фойдаланиладиган қадоқланмаган шампун воситалари ашёвий далил сифатида олинди.

Қонунга хилоф равишда яширин цех ташкил қилиб, қўлбола шампун савдоси билан шуғулланаётган Роҳила Умарованинг иши судда кўриб чиқилиб, унга тегишли жазо тайинланди.

Мурожаатларга масъулият билан ёндашиб

Прокуратура органларига хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки равишда нажот истаб келган фуқаро борки, ўзи ҳал қила олмаган муаммолар ечимини соҳа вакилларидан умид қилиб, мурожаат қилади. Табиийки, уларнинг илтимосларини қонун доирасида кўриб чиқиб, ҳал этиш, поймол бўлган ҳуқуқларини тиклаш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш қонун ҳимоячиларининг вазифасидир. Шу кунга қадар ариза ва шикоятлар билан мурожаат этган ҳар бир фуқаронинг мурожаати Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни асосида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилишига кўмаклашилмоқда.

Миршод БОБОЕВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори

2012 йилнинг 1-ярми мобайнида прокуратура органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини қонун доирасида тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Бу соҳада асосий эътибор фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилаётганлиги ҳақидаги ҳолатларга қаратиб келинмоқда.

Қайд этилган давр мобайнида прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар 70 мингдан ортиқни ташкил этиб, 26 мингдан зиёди бевосита прокуратура органларида ҳал этилган. Шундан 4 мингдан ортиғи қаноатлантирилиб, 5 минг 200 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқи прокурор назорати ҳужжатлари кўлланган ҳолда тикланган. 41 мингга яқин мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа идораларга юборилган.

Фуқароларнинг қабулига ҳам жиддий эътибор қаратилиб, бу борада ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш чоралари кўрилган. Барча прокуратура органларида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда қабул жадвали тузилиб, ушбу жадвалга мувофиқ, фуқаролар ҳар куни, улар учун қулай вақтда қабул қилинмоқдалар. Чунончи, бу даврда прокуратура органлари томонидан жами 55 мингдан ортиқ фуқаро қабул қилиниб, шундан 17,5 мингга яқини яшаш, иш ва ўқиш жойларида қабул қилинган. Хусусан, Бош прокуратура ходимлари томонидан 2 минг 482 нафар, қолган 53 минг 394 нафар фуқаро эса қуйи прокуратура органларининг ходимлари томонидан қабул қилинган.

2012 йилнинг 6 ойи давомида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан прокуратура органлари томонидан жами 173 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ҳақида 27 та протест, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 381 та тақдимномалар киритилган.

Шунингдек, қонунбузилишига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қонунбузарликка йўл қўймаслик ҳақида 75 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилиб, 745 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. Мурожаатларни кўриб чиқишда йўл қўйилган жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 29 жиноят иши қўзғатилган.

Хусусан, Ўрта Чирчиқ туман прокуратураси томонидан юқорида келтирилган қонун ижроси туман ҳокимлигида текширилганда, туман архитектори Р.Ботиров фуқаролар М.Менглиев, К.Умарходжаев, Б.Хусанов ва бошқаларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган муддатда ҳал қилмаганлиги ва уларга жавоб хатлари берилмаганлиги оқибатида фуқароларнинг манфаатларига жиддий зиён етказганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги мурожаатлар юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Республика прокуратура органларига тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ келиб тушган 458 та мурожаатдан 211 таси қаноатлантирилди. Жумладан, "Фасли баҳор бизнес" МЧЖ иш юритувчиси Ш.Умарходжаев 2012 йил 6 июнь куни Тошкент вилоят прокуратурасига мурожаат қилиб, Давлат тижорат "Халқ банки" Тошкент вилоят филиали томонидан фаолиятини ривожлантириш учун кредит маблағи ажратилишида сансалорликка йўл қўйилаётганлигини маълум қилиб, амалий ёрдам беришни сўраган. Прокуратура аралашувидан сўнг кредит маблағи ажратилишида қонунбузилишига йўл қўйган Давлат тижорат "Халқ банки" Тошкент вилоят филиали кредитлаш бўлими бошлиғи Ж.Бердиев интизомий жавобгарликка тортилган ва МЧЖга фаолиятини ривожлантириш учун 49 млн. сўм кредит ажратилиши таъминланган.

Бундан ташқари, прокуратура органларига қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунбузилишлар юзасидан келиб тушган 593 та мурожаатдан 167 таси қаноатлантирилди.

Прокуратура органлари томонидан деҳқон ва фермерларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Масалан, Чуст туманидаги "Маҳмудобод" фермер хўжалиги бош ҳисобчиси Х.Ботировнинг хўжаликка қарашли автомобилларни ёқилғи билан таъминлаш мақсадида ТИФ "Миллий банк" туман филиали томонидан кредит маблағлари ажратиш ҳақидаги аризаси ҳал этилмаётганлиги ҳақидаги мурожаати вилоят прокуратураси томонидан текширилди. Ушбу аризани ҳал қилишда сансалорликка йўл қўйган банк кредит бўлими мутахассиси А.Ҳабибжановга нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилиб, банкдан 15 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, барча прокуратура органларида тадбиркорларнинг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва ҳал этишни фаоллаштириш мақсадида ишонч телефонлари ўрнатилган. Айни вақтда прокуратура органларига фуқаролардан ишонч телефонлари орқали келиб тушган мурожаатлар ҳам "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартиб асосида кўриб келинмоқда. Жумладан, Сариосиё туманидаги "Шоҳида Шамсиддин" хусусий корхонаси раҳбари Ш.Сирожов шағал ишлаб чиқариш корхонаси қуриш учун "Қишлоққурилишбанк" Сариосиё филиалидан кредит ажратилмаётганлигини баён этиб, қонуний ёрдам беришни сўраган. Туман прокуратураси томонидан мазкур мурожаат кўриб чиқилиб, тадбиркорга фаолиятини юритиш учун банк томонидан 250 млн. сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, прокуратура ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳуқуқий тарғиботни, фуқароларнинг қабул қилиш маданиятини янада ошириш ҳамда мунтазам равишда қонун устуворлигининг таъминланишига қаратилган ишларни такомиллаштириб боришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйиб, бу борада фаол меҳнат қилишмоқда.

Мурожаатлар қандай бўлмасин улар ортида инсонлар тақдири, ҳаёти туради. Уларга масъулият ва эътибор билан ёндашиш, бузилган ва поймол этилган ҳуқуқларни тиклаш ҳам инсоний, ҳам қонуний бурчимиздир. Зеро, қонун устувор жамиятда хотиржамлик, тараққиёт ҳам барқарор бўлади.

Келажагимиз эгалари

уларнинг сафида кичик мутахассислар – коллеж битирувчилари ҳам бор

Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар келажак авлоднинг ҳар томонлама камолотга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бугун ўғил-қизлар энг замонавий шарт-шароитларга эга бўлган таълим масканларида таҳсил олиб, касб-ҳунар ўрганишмоқда. Муҳими, бўлғуси мутахассислар бандлигини таъминлаш, жамият ҳаётида ўз ўрнини топиши доимий эътиборлаги масалалардан бирига айланди. Бу борада Самарқанд вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда Самарқанд вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилар ўртасида "Энг яхши мутахассис" ҳамда "Энг яхши бизнес лойиҳа" тақдимотлари ўтказилди.

Алишер АХАТОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Тадбирда касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган мутахассис-кадрларнинг салоҳияти, билим ва малакаси, тайёрланаётган йўналишлар кўламини иш берувчилар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсад қилинган эди. Бу орқали битирувчиларни эгаллаган касбига мувофиқ ишга жойлаштириш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш имкониятини янада ошади. Ўтказилган ушбу тадбирда 7128 нафар битирувчи ва уларнинг ота-оналари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

— Юртимизда баркамол авлод тарбияси йўлида амалга ошираётган ишларнинг икки муҳим жиҳатига назар ташлаш лозим деб ўйлайман, — дейди тадбирда сўзга чиққан вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи М.Холмуҳамедов. — Биринчиси — ёшларни касбга йўналтириш, ҳар томонлама замонавий, малакали кадрлар сифатида тарбиялаш бўлса, иккинчиси — бандлик масаласи, уларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, ўз бизнесларини юритиш учун қулай шарт-шароит яратишдан иборат.

Жорий ўқув йилида вилоят бўйича 158 та касб-ҳунар коллежларини 102 та мутахассислик бўйича 60 минг 856 нафар ёшлар битирди. Мақсадли ва аниқ манзилли тартибда улар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида "Вақтинчалик тартиб" ишлаб чиқилди. Унга кўра, ўтган давр мобайнида жойлардаги корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликларидан 55 872 нафар битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича иш берувчилар томонидан кичик мутахассисликларга эга бўлган талаб, тўланадиган ойлик маош миқдори ва ишга қабул қилиш муддати назарда тутилган буюртмалар олинди. Шу асосда 44 724 нафар битирувчиларнинг ота-оналарига фарзандининг кафолатли иш билан таъминланиши ҳақида сертификатлар берилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги касб-ҳунар коллежларини мазкур йилда битираётган 1179 нафар ўқувчи учун "Тадбиркорлик мактаби" ташкил этилиб, банк, молия, солиқ тизими ва савдо-саноат палатаси мутахассислари томонидан 26 соатлик амалий машғулотлар ўтказилди.

Коллежларга бириктирилган йирик саноат корхоналарига битирувчилар ўз бизнесларини бошлашлари учун имтиёзли кредит олишга тижорат банкларига кафиллик бериш тажрибаси жорий этилди. Марказий банк вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун тижорат банклари томонидан 500 нафар ёшларга 2,5 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш жадвали тасдиқланди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" вилоят филиалида ўтказилган тақдимот тадбири якунида 45 нафар битирувчига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.


Бундан ташқари, вилоятдаги барча тижорат банкларига 270 нафар коллеж битирувчисини ишга жойлаштириш мақсадида сертификатлар тарқатилди.

Тадбирнинг "Энг яхши мутахассис" танловида тикув ва тикув трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишида "8-Март" ОАЖ корхонасида ўтказилган 5 та коллежнинг 40 нафар битирувчи ўқувчиси дастлабки фаолиятини шу ерда бошлаш имкониятига эга бўлди.

Умуман, Самарқанд шаҳридаги 15 та корхона-ташкилотларда шаҳар ва туманлардаги касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари билим ва касб-ҳунар эгаллашларига оид барча кўргазмали материаллар ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари, миллий ҳунармандчилик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, ветеринария, ахборот технологиялари, маиший хизмат, тиббиёт, педагогика ва дизайн каби йўналишларда таҳсил олаётган ўқувчилар касбий фаолияти ва маҳоратини намойиш этишди. Тақдимотлар жараёнида 17 та ихтисослик бўйича бўлғуси мутахассис-кадрларнинг тақдимотини ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида экспертлар гуруҳи баҳолаб борди. Шу маънода мазкур тадбир касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иқтисодиётнинг реал тармоқлари ҳамда саноат корхоналарида ўз иш ўринларини топишларида муҳим аҳамият касб этди.

Тадбирларда Самарқанд шаҳри ва туманидаги 9 минг 500 нафардан зиёд 9-синф битирувчилари иштирок этиб, келгусида қайси мутахассисликни эгаллаш борасида тасаввур ҳосил қилишди. Якуний қисм "Мусиқа таълими" йўналишида Самарқанд педагогика коллежининг "Ниҳол" амфитеатрида ташкил этилди. Унда "Энг яхши мутахассис" ҳамда "Энг яхши бизнес лойиҳа" тақдимотлари сарҳисоб қилиниб, ишга жойлашиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун сертификат олган ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Саҳифаларимизда Наманган вилояти





Нурга чулғанган диёр

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Бекиёс ўзгаришлардан кун сайин янгиланаётган шаҳарнинг иқтисодий-индустриал салоҳияти ҳам тобора ортиб бораётир. Бир пайтлар саноқлигина тўқимачилик корхоналаридан иборат бўлган саноатига замонавий, айни пайтда мураккаб технологияларга асосланган ишлаб чиқариш кириб келди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида шаҳримизда 58 та саноат корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, бугунга келиб, йирик ва кичик корхоналар сони қарийб 900 тага етиб қолаёзди. Эндиликда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва корхоналарни модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар натижасида эркаклар костюм-шими, пластмасса буюмлари, сантехника жиҳозлари, ёзув қоғози, гугурт ва пайпоқ сингари импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Иқтисодиётда тайёр маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришга устувор аҳамият қаратилаётгани боис, ўтган йил якуни бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 72 фоизини айни йўналишдаги маҳсулотлар ташкил этди.

Тайинки, соҳа ривожланиши, равнақ топиши учун қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш лозим. Вилоят прокуратураси томонидан бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Бош прокурорнинг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, текширишларни камайтириш, турли тўсиқ ва суиистеъмолчиликларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 6 ойида 179 та тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Жумладан, 3 та ҳолатда тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш ва текшириш, 17 та ҳолатда ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳолатлари аниқланди. Ҳокимликлар ва назорат органларининг 41 та ноқонуний қарорлари прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди. Давлат бошқарув органлари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган 43 та мурожаатларнинг ҳал этилиши таъминланди. Шунингдек, 75 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди, 196 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди.

Шуҳрат АБЕРКУЛОВ,
Наманган вилоят прокурори ўринбосари

Хусусан, 22 та тадбиркорлик субъектига банк муассасаларидан 347,1 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари олиб беришга, 6 нафар тадбиркорнинг 99,5 млн. сўмлик ҳақларини ундириб беришга, 14 нафарига 125,4 га. ер майдони ажратишга, 12 нафарининг давлат рўйхатидан ўтишига, 8 нафарининг муҳандислик ком-

Ҳар гўшаси обод юрт

Мамлакатимиз барқарор қисқа муддатда дунёнинг тараққий топган давлатлари қаторига жадал кириб боргани айни ҳақиқатдир. Республикамиз халқаро майдонда тез обрў-эътибор топаётганлигига, аввало, ҳукуматимизнинг оқилона сиёсати ва халқимизнинг шунга монанд равишда ҳаёт кечираётганлиги мустаҳкам асос ҳисобланади. Бугун ҳар бир фуқаро она Ватанни асраб-авайлаш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, куч-қудратини янада оширишдек улуғ вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқлик иштиёқи билан яшамоқда.

Баҳромжон ЮЛДАШЕВ,
Норин туман прокурори
Нилуфар НИЁЗОВА,
«Ниқиқ»

Агар туманимиз мисолида оладиган бўлсак, норинликларнинг йигирма бир йиллик тарихга эга муваффақиятлари, бунга эришиш йўлидаги меҳнатлари, юксак натижалар эвазига келган қувончлари ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам оз. Элюртга қайноқ муҳаббати, беқиёс ғайрат-шижоати, ўз ҳуқуқларининг қонуний кафолати каби омиллар ҳамюртларимизни чексиз бунёдкорлик ишларига ундамоқда. Айниқса, уларнинг меҳнати билан Ҳаққулобод шаҳри, қишлоқ ва маҳаллаларимизда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Табиийки, бу эзгу ишларда туман прокуратурасининг ҳам ўз улуши бор.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2012 йил 26 февралда тасдиқланган "2012 йилда Наманган вилояти шаҳар ва туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасини ошириш, муаммоли масалаларини ечиш, камчиликларини бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳақида"ги кўрсатмасининг 151-бандида Норин туманидаги Ҳаққулобод шаҳарчаси маркази замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги, ободонлаштириш ишлари қониқарсиз аҳволда бўлганлиги боис, шаҳар марказини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқиш белгиланганди. Шунга кўра, "Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳрини 2012-2013 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича туман дастури" ишлаб чиқилди. Айни кунларда мазкур дастур асосида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган.

Мазкур дастур доирасида умумий қиймати 31 млрд. 287 млн. 600 минг сўм бўлган 160 та лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Шундан 11 млрд. 117 млн. 600 минг сўмлиги давлат бюджети, қолгани тадбиркорлар ва корхона-ташкилотлар, инвестициялар, банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилади. Эътибор беринг-а, кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодий инқироз ҳақида жар солиб турган паллада юртимизнинг энг чекка бир туманида бу каби кенг кўламли ободонлаштириш ишлари кетяпти.

Дастурда шунингдек, Ҳаққулобод шаҳри марказидаги "Ўзбекистон" ва "Беруний" кўчаларини қайта реконструкция қилишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, айни кунларда йўл бўйида фаолият юритувчи савдо ва сервис хизмати кўрсатиш объектлари, корхона ва муассасаларнинг фасадлари таъмирдан чиқарилмоқда. Шунингдек, улар ҳудудида гулхоналар ташкил этилиб, дов-дарахтларга шакл бериш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, туман Давлат солиқ инспекцияси, туман почта ва алоқа бўлими, туман электр тармоқлари корхонаси, 3-мактабгача таълим муассасаси фасадларида таъмирлаш ишлари якунига етиб қолди. Бундан ташқари, туман марказий шифохонасини 2013-2014 йилларда реконструкция қилиш ишлари ҳам режалаштирилган бўлиб, бу ишларга 6 млрд. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Ҳозирда лойиҳалаш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ушбу ҳудудда ноқонуний қурилган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари бузиб олинмоқда.

Тумандаги янгиланишлар хусусида гап кетганда, "Norin mechanical plant" масъулияти чекланган жамияти ҳақида тўхталмай бўлмайди. Айни кунларда мазкур жамият таркибида енгил автомашиналарга бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод қурилиши учун ер майдони ажратилиб, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Шу билан бирга, мазкур заводда ишлаш истагини билдирган 11 нафар коллеж битирувчилари Асака шаҳридаги автомобиль ишлаб чиқариш заводида иш ўрганиб, амалиёт ўташмоқда. Ҳаққулобод шаҳридаги "Клейна-Текстиль" қўшма корхонаси иш кўлами ҳам тобора кенгаймоқда. Бугунги кунда бу ерда 120 нафар ёшлар иш билан таъминланган.

"Янги Тонг" МФЙ ҳудудидаги "Темир йўл вокзали" кўчаси капитал реконструкция қилиниб, ҳозирда асфальтлаш ишлари тўла якунига етказилди. Йўл бўйига турли хил дарахат кўчатлари, Самарқанд беҳи кўчатлари экилди. Бу ишларга 150 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, Ҳаққулобод шаҳрида қурилиш бозори бўлмаганлиги сабабли "Янги Тонг" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги собиқ ХМКК-4 қурилиш ташкилоти базасида "Норин саноат қурилиш моллари" МЧЖ ташкил этилиб, шаҳар атрофидаги ноқонуний тарзда қурилиш моллари билан савдо қилаётган савдо шохобчалари мазкур жамиятга кўчирилди. Қолаверса, "Ҳаққулобод деҳқон бозори" ва "Буюм бозори" биргаликда фаолият кўрсатиб келинаётгани эътиборга олиниб, ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 315-сонли қарори асосида "Буюм бозори" алоҳида ихтисослаштирилган бозор сифатида ажратилмоқда. Бозор ичида ҳам замонавий қиёфадаги дўконлар, савдо шохобчалари бунёд этилмоқда. Бу ишлар, албатта, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилади.

Маълумки, туманимиз ер ости сувларига жуда яқин. Айрим ҳудудларда ерни 10-15 метр чуқурликда кавласангиз ҳам сувдан дарак бўлмаса-да, бизнинг ҳудудда 1 метрдаёқ сув сизиб чиқа бошлайди. Бу эса, ўзига хос тарзда ишлашни талаб этади. Шу боис, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги "Ҳаққулобод ҳудуди ва унинг атрофидаги ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳамда уни яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги йиғилиш баённида белгиланган топшириқларни бажариш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.





Жумладан, коммунал ободонлаштириш ҳисобидаги қудуқлар ўрганилганда, туманда жами 40 дона тик қудуқ мавжуд бўлиб, шундан 30 таси ишчи ҳолатда(соз)лиги аниқланди ва ишга туширилди. Қолган 10 донасидан 8 тасининг нуқсон далолатномалари тузилиб, гидрогеология мелиоратив экспедициясига тақдим этиш учун тайёрлаб қўйилди. 4 дона тик қудуқларнинг насос двигателларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

муникацияларига уланишига, 25 нафарига хомашё маҳсулотлари ва эҳтиёт қисмлар олиб беришга ҳамда 109 нафарига бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада 162 та қўшимча янги иш ўринлари яратилди.


Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ўрганишлар айрим ҳолатларда назорат қилувчи органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан қонунга зид қарорлар қабул қилинаётганини кўрсатмоқда ва уларнинг прокурорлар протестларига асосан бекор қилиниши таъминланмоқда. Шунингдек, текширишлар Назорат органлар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг ҳудудий комиссиялари томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолияти юзасидан ўтказиладиган текширишлар лозим даражада мувофиқлаштириб борилмаётганини кўрсатмоқда.

Хусусан, Кенгаш томонидан тасдиқланган текширишлар режасига асосан, жорий йилнинг март ойида туман Давлат солиқ ва Табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари ходимлари томонидан Уйчи туманидаги "Сарбон-Автокемпинг" хусусий корхонасида текшириш ўтказилиб ҳамда солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаш, касса операцияларини юритиш тартиби ва сертификатлаштириш қоидаларининг бузилганлиги аниқланган.

Демак, бу ҳолатда туман ДСИ томонидан корхона бошлиғи К.Ходжаевга нисбатан МЖтКнинг 34-моддасига кўра, оғирроқ маъмурий жазо санкцияси доирасида қарор қабул қилиниши лозим эди. Бироқ хусусий корхонага нисбатан Табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғининг қарори билан 125,8 минг сўм, туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг қарори билан 620,0 минг сўм маъмурий жарима қўлланилади ва ундириб олинади.

Туман прокуратураси масалани ўрганиб чиққач, Табиатни муҳофаза қилиш инспекциясининг 2012 йил 9 мартдаги қарорига протест келтирилиб, ортиқча ундирилган жарима суммасининг тадбиркорга қайтариб берилиши таъминланди.

Маҳаллий ҳокимият, давлат бошқарув ва назорат текширув органларининг мансабдор шахслари орасида шундай кимсалар борки, уларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан қарашлари оқибатида бугун жамият тараққиётига муносиб улуш қўшишга ҳаракат қилаётган тадбиркорлар ва хусусий сектор эгаларининг мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилмаяпти. Оқибатда уларнинг қонунлар билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари бузилмоқда. Бевосита прокуратура органлари аралашуви билан бу каби иллатлар фош этилиб, қатъий прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиши натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланмоқда.



Мисол учун, Мингбулоқ туманидаги "Ҳумоюн Баҳодирович" хусусий корхонаси раҳбари З.Ханафияева 2012 йил 15 февралда корхонага алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиш масаласида туман ҳокимлигига мурожаат этган. Бироқ туман ҳокимининг ўринбосари Б.Ҳамдамов мазкур аризани қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқмаган ва муаллифга жавоб хати юбормаган. Бу билан тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилган. Б.Ҳамдамов туман прокуратураси томонидан 2012 йил 10 апрелда маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорлардан ҳисоботлар қабул қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қонун талабларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари ҳам аниқланди.

Жумладан, Мингбулоқ тумани ДСИ бўлим бошлиғи Ғ.Шаропов "Мингбулоқ Момохон" хусусий корхонаси, "Муслим люкс трейд" МЧЖ ва яна 3 та тадбиркорлик субъектларидан 2011 йил якунлари бўйича ҳисоботларни қабул қилишда субъектларнинг рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги гувоҳномаларини, низомларини, фуқаролик паспорти нусхалари ва идентификация рақами берилгани ҳақидаги маълумотномаларни қонунга зид равишда талаб қилиб олган.

Тадбиркорлардан ортиқча ҳужжат талаб қилиб олган Ғ.Шароповга нисбатан туман прокуратураси томонидан 2012 йил 25 апрелда маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Бугун ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кредит маблағлари ажратиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Афсуски, айрим мансабдор шахслар ўз манфаатларини устун билиб, бу эзгу ишларга ғов бўлмоқдалар.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар якунига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан жойларга 19 та тақдимнома киритилиб, ноқонуний қарорларга нисбатан 46 та протестлар келтирилди. 37 нафар шахс интизомий, 16 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 97,1 минг сўмлик зарарни ундириш бўйича судларга 9 та даъво аризаси киритилди. Шунингдек, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Ислоҳотлар самараси

Бугун дунё аҳли мустақил Ўзбекистон номини келажаги буюк давлат сифатида чуқур ҳурмат билан тилга олмоқда. Бундай эътироф, шубҳасиз, ўзини шу юрт фарзанди, деб билган ҳар бир инсон қалбида юксак ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Зеро, йигирма йиллик эркин ва фаровон ҳаётимиз давомида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, уларнинг ёркин самаралари ана шундай таърифу таҳсинларга лойиқ. Ҳатто дунёнинг энг тараққий этган давлатларини танг аҳволга солиб қўйган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам иқтисодиётимизда барқарорлик сурьатлари сақланиб қолгани "ўзбек модели" дея ном олган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри ва пухта асосга эга эканини яна бир карра тасдиқлади.



Фахриддин ҲАМДАМОВ,
СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Наманган вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлим ходимлари ҳам ана шу фаровонлик ва тараққиёт йўлида хизмат қилмоқдалар.

Хусусан, жорий йилнинг 6 ойи давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция, яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Асосий эътибор профилактика, қонунчилик тарғиботи ишларини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, турли тўсиқ, суиистеъмолчиликлар, коррупция ҳолатларига барҳам беришга қаратилди. Шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин, белгиланган тартибга зид равишда шуғулланаётган шахслар аниқланиб, уларнинг ноқонуний фаолиятига барҳам бериш, уларни солиқ тўловчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, қўшимча иш ўринлари яратиш учун лозим бўлган ҳуқуқий чоралар кўрилди. Натижада, муқаддам ноқонуний фаолият юритган, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини тўхтатган хўжалик юритувчи субъектларнинг 76 тасига амалий ёрдам кўрсатилиб, 176 та янги иш ўринлари яратилди.

2012 йилнинг ўтган даври мобайнида бошқарма томонидан олиб борилган тадбирларда 165 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, улар юзасидан 164 та жиноят ишлари қўзғатилди ҳамда 1 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш юритилди. Тадбирларда аниқланган қонунбузарликлар юзасидан бюджетга 8 миллиард 13,1 миллион сўм қўшимча маблағлар ҳисобланди. Бу даврда жами 2 миллиард 468,1 миллион сўмлик маблағлар давлат бюджетига ундирилди.

Бундан ташқари, коррупция ҳолатларини аниқлаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эркин фаолият юритишга тўсқинлик қилиш, турли хил суиистеъмолчиликларни аниқлашга қаратилган тадбирлар давомида 9 нафар ҳокимият, 8 нафар банк ва 21 нафар бошқа идора ходимлари томонидан 30 та жиноятлар содир этилганлиги фош этилди. Таъмагирлик йўли билан пора олган мансабдор шахсларга нисбатан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Хусусан, Чуст туманида давлат рўйхатидан ўтган "Калонов Абдусаттор" хусусий корхонаси раҳбари А.Калонов Поп тумани, "Келачи" қишлоғида қурилиши режалаштирилаётган пишиқ ғишт ишлаб чиқариш хумдони ҳамда тупроқ қазиб олиш карьери учун "Атроф-муҳитга ўтказиладиган таъсир баёнотномаси" лойиҳа ҳужжатини эксперт комиссиясига тақдим этиш учун тавсиянома олиши лозим бўлади ва шу масалада вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Поп тумани инспекцияси бошлиғи Д.Ортиқовга мурожаат этади. Раҳбар вазиятдан фойдаланиб қолишни ўйлаб, тадбиркордан пул талаб қилади. У ўз хизмат хонасида А.Калоновдан тавсиянома бериш эвазига 100 АҚШ доллари ва 120 минг сўм пулни пора тариқасида олаётганида ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Поп тумани инспекцияси бошлиғи Д.Ортиқовга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

"Ҳуфиёна иқтисодиёт"га қарши курашиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни кучайтириш ва сифатсиз маҳсулотларнинг бозорларга кириб келишининг олдини олиш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилиши натижасида 26 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилди. Ҳуқуқбузарлардан 30,2 миллион сўмлик маҳсулот, хомашё ва бошқа ускуналар олинди.

Шунингдек, 34 млрд. 905 млн. сўм нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмаси аниқланиб, ушбу ҳолатлар бўйича 37 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Импорт товарларнинг республикамизга ноқонуний олиб кирилиши ва савдога чиқарилиши билан боғлиқ 18 та қонунбузилиш фош этилиб, ноқонуний муомаладан 294,7 млн. сўмлик импорт товарлар олиб қўйилди.

Мисол учун, бошқарманинг Янгиқўрғон туман бўлими томонидан туман ИИБ ва МХХ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда фуқаролар А.Мўминов, Ш.Халилов, Х.Ёқуббоев ва М.Усмонов ўзаро тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида савдо фаолияти билан шуғулланиб, Х.Ёқуббоевнинг хонадонида "яма" ташкил қилиб, чет элда ишлаб чиқарилган, ҳеч қандай ҳужжатларсиз 104 дона рангли телевизор ва 7999,1 минг метр турли хил материаллар, жами 92734,3 минг сўмлик маҳсулотларни сақлаб келаётгани аниқланган ва ашёвий далил сифатида олинган. Ушбу жиноий гуруҳ бу "тадбиркор"лиги ортидан 22 354 минг сўм фойда олишни кўзлашганди. Лекин улар ниятига етолмади. Қилмишлари фош бўлгач, қонун олдида ер чизиб қолишди. Шунингдек, фуқаролар А.Мўминов, Ш.Халилов, Х.Ёқуббоев ва М.Усмонов Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жавобгарликка тортилдилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғриси"ги Қарори ижросини таъминлаш ва алкоголли маҳсулотларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ҳамда айланишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар давомида 4 та ҳолатда 9,9 млн. сўмлик алкоголли маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди. Шунингдек, тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига барҳам беришга қаратилган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Яъни, бу борада 5 та ҳуқуқбузарликлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, 21,7 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Қонун устуворлиги таъминланди

Зарафшон ихтисослаштирилган прокуратураси томонидан Шимолий кон бошқармасида "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонуннинг ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Текшириш кон бошқармаси томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси етарлича таъминланмай, қонун талабларининг бузилишига йўл қўйилаётганлигини кўрсатди. Бошқармада ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасидаги ишлар қонун талаблари даражасида олиб борилмаган. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар 2011 йилда 13 тани ташкил этган. Бошқарманинг бунга сарфлаган харажатлари эса, 2010 йилга нисбатан 41 миллион 677 минг сўмдан 47,2 миллион сўмга ошган.

Баҳриддин АҲМЕДОВ,
Зарафшон ихтисослаштирилган прокурори

Меҳнат ва бандликка оид қонунийлик аҳволи таҳлилининг кўрсатишича, Шимолий кон бошқармаси маъмурияти томонидан ходимларнинг ноҳақ ишдан бўшатилишининг олдини олиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ходимлар меҳнатидан самарали фойдаланиш ишлари етарли ташкил этилмаган. Бу эса, бошқарма томонидан қонунбузилиши ҳисобига ходимларнинг суд томонидан ишга тикланишига, мажбурий прогул харажатларини тўлаш билан боғлиқ ортиқча тўловлар тўланишига, режаларнинг бажарилмасдан қолинишига олиб келган. Кадрлар билан ишлашга етарли эътибор берилмаганлиги сабабли ходимлар қўнимсизлиги муҳити вужудга келган. Жумладан, 2011 йилда А.Храповнинг ноқонуний ишдан бўшатилиши бошқарманинг 2185 минг сўмлик зарар — ортиқча тўлов тўлашига олиб келган. Шунингдек, Автотранспорт бошқармаси ҳайдовчиси М.Каримов 2012 йил 12 мартдаги қонунга зид буйруққа асосан ноҳақ ишдан бўшатилганлиги сабабли унга 828 803,81 сўм миқдоридаги маблағ тўлаб берилган.

2011 йил мобайнида Шимолий кон бошқармаси томонидан меҳнат ва яшаш шароитлари яхшилаб берилмаганлиги, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қаралмаганлиги ва бошқа сабабларга кўра 2080 нафар ишчилар меҳнат шартномаларини бекор қилиб, ишдан бўшашган. 2011 йил 30 декабрь ҳолатига кўра, бошқарма бўйича жами 120 та бўш иш ўринлари мавжуд бўлган ҳолда ўтган давр мобайнида бу бўш иш жойларига кадрлар танланмаган ва жой-жойига қўйилмаган, ходимлар қўнимсизлигининг олди олинмаган.

Малакали кадрлар етишмаслиги белгиланган режаларнинг бажарилмаслигига ҳам сабаб бўлган.

Бундан ташқари, 2011 йилда Шимолий кон бошқармасида меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича умумий режа ишлаб чиқилмаган ва раҳбарият томонидан тасдиқланмаган.

Иш режасининг 1-5-бандида жамоат инспекторлари билан меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича ўқишлар ташкил қилиниши кўрсатиб ўтилган бўлса-да, лекин бундай ўқишлар умуман ташкил этилмаган.

Шимолий кон бошқармасида ва унинг тизимларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши текширилганда, бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, бошқармада ишчи-ходимларга топшириқ бериш китоби меҳнатни муҳофаза қилиш ва шунга оид ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида юритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 3 майдаги буйруғи билан "Қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларини бепул беришнинг намунавий нормалари" тасдиқланган. Шимолий кон бошқармасининг айрим тармоқларида ноқулай меҳнат шароитида ишлаётган ходимлар юқорида кўрсатилган буйруқ билан тасдиқланган намунавий нормалар бўйича махсус кийим-бош ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланмаган.

Адлия вазирлигидан 2000 йил 7 январь 870-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низом асосида Шимолий кон бошқармасига қарашли Автомобил транспорт бошқармасида мавжуд касблар ва иш турлари бўйича Йўриқномалар ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, Автомобил транспорт бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган "Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ меҳнатни муҳофоза қилиш жамғармаси ташкил этилмаган.

"Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши таъминланиши, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши кўрсатилган бир пайтда қонуннинг бу талаблари бажарилмаган, ногиронларнинг мазкур бошқармага кириши учун алоҳида йўлаклар қурилмаган. Уларнинг транспорт, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароит яратилмаган.

Бундан ташқари, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган ташкилотларда махсус тайёргарликка эга шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилиши кўрсатилган бўлса-да, мазкур бошқармада ходимлар сони ушбу қонунда белгиланган нормадан ошган бир пайтда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилмаган.

Автотранспорт бошқармаси кадрлар бўлимида 2011 йил ва 2012 йилнинг 1-чораги учун иш режаси ишлаб чиқилмаган ва иш режага асосан ишлар ташкил қилинмаган. Шунга ўхшаш камчиликларга Шимолий кон бошқармасига қарашли 1-сонли автокорхонада ҳам йўл қўйилган.

Меҳнат кодексининг 236-моддаси 1-қисмида икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилиши, бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилиши белгилаб қўйилган. Бироқ Шимолий кон бошқармаси томонидан икки ёшга тўлмаган фарзандининг онаси, ишчи М.Болтаеванинг ҳуқуқлари қўпол тарзда бузилган.

Юқорида кўрсатилган қонунбузилиши ҳолатларига Шимолий кон бошқармаси раҳбарияти томонидан қонунда белгиланган вазифалар лозим даражада бажарилмаётганлиги, масъул ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига бепарволик билан қарашганлиги сабаб бўлган.

Ихтисослаштирилган прокуратура томонидан юқорида кўрсатилган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида НКМКга қарашли Шимолий кон бошқармаси директори номига тақдимнома киритилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун прокуратура томонидан барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.



Чала қолган қурилиш

ёхуд намунавий уй-жойлар қурилишидаги қинғирликлар

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида юртимизда амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугун чекка ҳудудлардаги равон йўллар ва салобатли кўприклару миллий-меъморий анъаналаримизни ўзида мужассамлаштирган бир-биридан кўркам биноларни кўриб, ифтихор туйғусини туясиз. Айниқса, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар эса, қурилиш-бунёдкорликда туб бурилиш ясамоқда. Буни мазкур хонадонларга кўчиб ўтаётган аҳолининг фикри ва у ердаги шарт-шароитлардан ҳам билиш қийин эмас.

И.УСМОНОВ,
Бўстонлиқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси
Ў.ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Аммо ана шу қурилиш-бунёдкорлик соҳасидаги ислоҳотларимизга панжа ортидан қараб, янги уй-жойлар қуришда сифатсиз, энг ачинарлиси, қурилиши чала ҳолатда қолишига сабабчи бўлаётган нафси ўпқон кимсалар, афсуски, учраб турибди. Улар бир жиноий гуруҳга бирлашиб, шахсий даромад орттиришни асосий мақсад қилиб, қинғир ишларга қўл уришган.

Фикримизни икки маротаба судланиб, бир гал амнистия акти билан жазодан озод этилган, лекин бундан тўғри хулоса чиқармаган Комилжон Алимов мисолида давом эттирмоқчимиз. У 1999 йил баҳоридан "Кристал" ИЧФ корхонасига раҳбар этиб тайинланди. Бу вақтда ташкилот ишлари маромига тушиб, техник имкониятлари ҳам тобора кенгайиб борди. Шундан бўлса керак, "Кристал" ИЧФ 2010 йил Тошкент вилоят ҳокимлиги томонидан тендер савдоларига қўйилган Бўстонлиқ тумани, "Сойлик" КФЙ, "Кичиксой" маҳалласида нумунали лойиҳалар асосида 39 та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиш объекти бўйича тендер савдоларида ғолиб деб топилди. Ғолиб, яъни "Кристал" ИЧФ корхонаси раҳбари "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси билан пудрат шартномасига асосан қурилиш ишларини бажариб бериш учун хусусий фирмага ўтказиб берилган 2 млрд. 433 млн. сўм пул маблағларини қабул қилиб олди. Иштаҳа овқат пайти келади, деганларидек, пул кўчгандан сўнг К.Алимов ўз "режасини" амалга оширишга киришди. Бу ишда у юқоридан назорат қилиб турган "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИК техник назоратчиси М.Ортиқовга учрашишни лозим топди. Учрашув кутилган натижани бергач, К.Алимов қурилиш ишларини бошлаб юборди. Қурилиш авжига чиққанда маслакдошлар жиноий режаларига биноан иш кўришни лозим топдилар. Бунда юқоридаги 39 та якка тартибдаги уй-жойларнинг қурилиш объекти бўйича бажарилган ишларга хусусий фирма томонидан амалга оширилмаган ишлар ҳажми гўёки бажарилди, дея сохта маълумотлар киритиш йўли билан расмий ҳужжат ҳисобланган далолатномага қўшиб ёзиш орқали биринчи жиноий ҳаракатларини бошлайдилар. Ўз ўрнида мазкур сохта далолатнома тўлов учун буюртмачи "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИКга тақдим этилди. Шу йўсинда ҳамтовоқлар "иш"ларини бажариб келдилар. Қурилиш ишлари чала ҳолатда бўлишига қарамасдан, жиноий гуруҳ қаловини топсанг, қор ҳам ёнади қабилида йўл тутди. Шундай бўлди ҳам. Улар Бўстонлиқ туман ҳокими томонидан тасдиқланган қурилиши тугалланган бино-иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш давлат қабул ҳайъати томонидан мазкур 39 та якка тартибдаги уй-жойларнинг фойдаланишга қабул қилинишига эришадилар.

К.Алимов бошчилигидаги жиноий гуруҳ мазкур қурилиш объектида 305 млн. сўм пул маблағларини талон-торож қилиб, шунча миқдорда "фойда" кўрганлиги маълум бўлди.

Олиб борилган тергов ҳаракатларида К.Алимовнинг бошқа кирдикорлари ҳам сув юзига қалқиди. У "Exad Lancer" МЧЖ раҳбари М.Соатов ва бошқалар билан бир жиноий гуруҳга бирлашиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги ҳамда 2002 йил 5 августдаги Қарорлари талабларига зид равишда товарсиз олди-сотди шартномаларини амалга оширганлар. Мазкур шартномага асосан "Кристал" ИЧФ корхонаси "Exad Lancer" МЧЖга 106 млн. сўмдан ортиқ пул маблағларини кўчириб, ўтказилган пул маблағларини нақдлаштириш йўли билан ўзлаштиради.

Бойлик орттириш, нафсининг йўлида ҳар қандай ишни қилишга қодир бўлган юқоридаги каби кимсалар, албатта, қонун олдида жавоб бердилар. К.Алимов ва бошқалар одил суднинг ҳукми билан тегишли жазоларини олди. Шу ўринда айтмоқчимизки, бугун қурилаётган бино ва иншоотлар, қолаверса, уйларимиз нафақат азиз фарзандларимиз учун, балки бизнинг фахримиз бўлишини ҳам унутмаслигимиз даркор.

Адолат устувор бўлсин

"Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади", дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида. Мазкур ҳуқуқий нормадан кўринадики, судга шикоят қилиш ҳуқуқига ҳар қандай фуқаро ёки судга ўз вакили орқали мурожаат қилувчи корхона, ташкилот ва бошқа юридик шахслар эгадирлар.

Муҳаммад БАРАТОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судининг 2012 йил 15 февралдаги ҳал қилув қароридан О.Тўраев (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг ҳам норози бўлиши табиий эди. Даъвогар сифатида судга мурожаат қилган М.Раҳмонов Яккабоғ туман ҳокимининг 2008 йил 16 июлдаги Х-807/07-сонли қарорига асосан, "Алакўйлак" МФЙнинг "Алакўйлак" қишлоғи ҳудудидан ажратилган, О.Тўраевга тегишли бўлган 6 сотих ер участкасини мажбурий тартибда олиб беришни ҳамда мазкур ер участкасидан фойдаланишга тўсқинлик қилмасликни, жавобгардан унга етказилган маънавий зарар сифатида 500 минг сўм ундириб беришни талаб қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро суди мазкур даъво аризасини 2012 йил 15 февралда очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, даъвогарнинг талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарганди.

Бир томондан олганда, ҳаммаси қонуний якун топгандай. О.Тўраев ҳам суднинг қароридан қаноат ҳосил қилиши мумкин эди. Унда О.Тўраев нега фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига ишончли вакили орқали шикоят аризаси билан мурожаат этди?

Суд давомида О.Тўраев тўпланган далилларга, ер участкасининг М.Раҳмонов томонидан алмаштирилганлиги тўғрисидаги хулосаси эътиборга олинмаганлигини кўрсатиб, шикоят қилишга мажбур бўлади. Қолаверса, суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб туман прокурори ҳам апелляция тартибида протест келтириб, протестда суднинг қарори моддий ва процессуал қонунчилик нормаларига зид эканлигини, фуқаролик ишини кўришда мутахассис хулосаси олиниб, ҳуқуқий баҳо берилмаганлигини билдириб, мазкур ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқаришни сўраб мурожаат этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 13-сонли "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги Қарорининг 3-бандига кўра, "Суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун қонунда кўрсатилган барча чораларни кўришга мажбур, ҳал қилув қарорида ишнинг ҳолатлари ҳақида баён этилган суднинг хулосалари тарафларнинг ҳақиқий ўзаро муносабатларига тўғри келмоғи лозим", деб белгиланган. Кўриниб турибдики, иш бўйича тўпланган далилларнинг суд томонидан тўлақонли ўрганилиши ҳақиқатни қарор топтиришда муҳим ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди мазкур иш юзасидан тарафлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, О.Тўраевнинг даъвони рад этиш ва янги ҳал қилув қарори чиқариш тўғрисидаги талабини, апелляция шикоятида келтирилган важларни фуқаролик иши ҳужжатлари билан бирга қўшиб кўриб, уларни атрофлича муҳокама қилиб, ўз хулосаларини баён қилди.

Маълум бўлишича, туман ҳокимининг 2008 йил 16 июлдаги х-807/07-сонли қарорига асосан, "Алакўйлак" МФЙнинг "Алакўйлак" қишлоғи ҳудудидан даъвогар М.Раҳмоновга ҳам уй-жой қуриш учун 6 сотих ер участкаси ажратилган. Уй-жой қуриш юзасидан шартнома ҳам тузилган. Бироқ М.Раҳмонов ер участкасини ўзига қулай бўлиши учун келишилган ҳолда Н.Бозоров билан алмаштириб олган. Яккабоғ тумани якка тартибда уй-жой қурилишларини мувофиқлаштириш бўлимининг 2012 йил 6 февралдаги 6-сонли маълумотномасида комиссия томонидан жойига бориб текширилганда, томорқалар алмаштирилганлиги кўрсатилган. Туманлараро судга ушбу маълумотнома ҳам тақдим этилган ва суд буни эътибордан четда қолдирган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 312-моддасининг 1-, 3- ва 4-бандларида "Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилишга асос бўлади", деб кўрсатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди мавжуд қонун талаблари ва судда аниқланган ҳолатларни муҳокама этиб, фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судининг 2012 йил 15 февралдаги ҳал қилув қарорини бутунлай бекор қилиб, даъвогар М.Раҳмоновнинг даъво талабларини рад этди.

Бу каби ҳолатни К.Эҳсоновнинг даъво аризаси билан боғлиқ ишда ҳам кўриш мумкин. Бу сафар ҳам фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судига мурожаат этилган бўлиб, даъвогар К.Эҳсонов жавобгарлар Чироқчи туман ҳокимлиги ва З.Йўлдошевага нисбатан туман ҳокимининг 2011 йил 23 мартдаги Х-420/03-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни, хусусий мулки бўлган ертўла омборини, артезиан қудуқни ҳамда ток трансформаторини қайтариб олишни сўраб мурожаат этган ва суд ушбу даъво аризани қисман қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарган. Бироқ, энди З.Йўлдошева К.Эҳсоновнинг низоли ер майдонида ертўлани бузиб, керакли қурилиш материалларини олиб кетганлигини билдириб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган. Судда аниқланган ҳужжатларга кўра, Республика кўчмас мулк биржасида 1999 йил 24 ноябрдаги 217-сонли шартномага асосан Чироқчи туман "Тайёрлов савдо" ОЖЖга қарашли бўлган ертўла омборини К.Эҳсонов сотиб олган, бироқ унга тегишли бўлган ертўла омбори туман ҳокимининг 2011 йил 23 мартдаги Х-420/03-сонли қарори билан З.Йўлдошевага ажратилган ер ҳисобига ўтиб кетган. Аслида эса, К.Эҳсонов томонидан сотиб олинган ер майдони туман кўчмас мулк ва кадастр хизмати томонидан рўйхатга олинган бўлиб, сотиб олинган ертўла омбори харитасида ер ўлчовчи томонидан ертўла омборининг атрофидаги 2,5 гектар ер майдони ҳам қўшиб берилган. Шу ҳудудда артезиан қудуғи ҳамда ток трансформатори бўлган. 1999 йил 24 ноябрдаги кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича 217-сонли шартномага асосан К.Эҳсонов сотиб олувчи сифатида фақатгина сотувчи туман "Тайёрлов савдо" ОЖЖга қарашли бўлган ертўла омборини сотиб олган. Демак, қонунга биноан, ертўла омбори ҳам К.Эҳсоновга тегишли мулк ҳисобланади.

Биринчи босқич суди юқорида кўрсатиб ўтилган қонун талабларидан келиб чиқиб К.Эҳсоновнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириб, асосли ва тўғри хулосага келган. Шу боисдан апелляция протести ва апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Кўриниб турибдики, ҳар бир ишнинг ҳуқуқий йўл билан амалга оширилиши ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олади.

Чора-тадбирлар самараси

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Навоий вилоят бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, солиқ тўловчилар сонини кўпайтириш, қўшимча иш ўринларини яратиш орқали солиқ базасини кенгайтириш, солиқ ва валютага оид жиноятлар, коррупция, хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш борасида ўтган даврда муайян ишлар амалга оширилди. Телевидение, радио, матбуот, шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳалла, корхона ва муассасаларда жамоалар билан учрашувлар ташкил қилиш орқали фуқароларни давлат томонидан белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Акмал РАХМАНОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Навоий вилояг бошқармаси бошлиғи

Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашишга қаратилган бир қатор тадбирлар доирасида қонуний асосда ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган фуқароларимизни рағбатлантириб, аксинча яширин, ноқонуний равишда ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганларнинг фаолиятига барҳам бериш, ҳуқуқий таъсир чоралари кўриш билан чекланиб қолмай, уларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, стандарт талабларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, имкон даражасида фаолиятини янада кенгайтириб, қўшимча ишчи ўринларини яратиши учун лозим бўлган чоралар кўрилмоқда. Натижада муқаддам ноқонуний фаолият юритган, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини тўхтатган хўжалик юритувчи субъектлардан 26 тасига амалий ёрдам кўрсатилиб, 37 та янги иш ўринларининг яратилишига эришилди. Чунончи, Қизилтепа туманидаги фаолият кўрсатиб келаётган "Жаббор Тошпўлат" фермер хўжалигига амалий ёрдам кўрсатиш натижасида балиқчилик ҳавзалари ташкил этилиб, қўшимча 5 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш сиёсатидан келиб чиқиб, асосий эътибор вилоятда тадбиркорликнинг эркин ривожланишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларни бартараф этишга қаратилди. Прокуратура органлари билан яқиндан, ишчанлик ҳамкорлиги ўрнатилганлиги ҳудудий бўлимларда тезкор-таҳлилий материаллар бўйича ўз вақтида ва қонуний қарорлар қабул қилинишида ўзининг ижобий самарасини бераяпти.

Жиноятларни бевосита тезкор-таҳлилий йўллар билан аниқлаш орқали солиқ базасини кенгайтириш ишлари янада кучайтирилди. Ўтказилган тезкор-таҳлилий тадбирларда 158 та жиноят фош этилди. Бюджетга 5,9 млрд. сўм қўшимча маблағларнинг ҳисобланиши ва 3,1 млрд. сўм ундирилиши таъминланди. Солиқ базасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди, натижада 26 та солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашга оид жиноят ишлари қўзғатилди.

Хорижий валютанинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш ишлари кучайтирилиб, бунинг самараси ўлароқ, 14 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 9 та жиноят ва 5 та маъмурий иш қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 23,5 минг АҚШ доллари, 112,2 минг Россия рубли, 23 млн. сўм олиб қўйилди.

Айниқса, тадбиркорларнинг қонуний фаолият кўрсатишига, уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган суиистеъмолчиликлар, тамагирликларни фош этишга алоҳида эътибор қаратилиб, 10 та жиноят иши қўзғатилди.

Тадбиркорлик ҳамда ишлаб чиқариш билан шуғуллунишга қарор қилган фуқароларга ёрдам бериш, мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, коррупция ҳолатларини фош этишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни кучайтириш ва сифатсиз маҳсулотларнинг бозорларга кириб келишининг олдини олиш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилиб, 12 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилди. Ҳуқуқбузарлардан 8,4 млн. сўмлик маҳсулот, хомашё ва ускуналар олинди.

Чунончи, Хатирчи туманида яшовчи фуқаро Д.Баратов ўз уйида яширин равишда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган пахта ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланиб, ундан мойжувоз ускунаси, 428,6 кг. чигит ва бошқа жиҳозлар ашёвий далил сифатида олинган.

Нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмасига барҳам бериш бўйича 36 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 26,4 млрд. сўм ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланди.


Навоий шаҳридаги "Kamoliddin trans savdo" хусусий корхонаси мансабдор шахслари 4,6 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар сотувидан тушган нақд пул маблағларини, Навбаҳор туманидаги "Навбаҳор улгуржи савдо" МЧЖ мансабдор шахслари эса савдодан тушган 338,9 млн. сўмлик нақд пулларни банк хазинасига топширмасдан бошқа мақсадларга ишлатиб юборганликлари маълум бўлди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш бўйича 3 та жиноят, 2 та маъмурий иш қўзғатилиб, 5 млн. сўмлик маҳсулотлар олинди.

Зарафшон шаҳридаги "Нуржаҳон Зарафшон" хусусий фирмаси раҳбари Д.Бердиев кирим ҳужжатлари бўлмаган 2,2 млн. сўмлик спиртли ичимликлар ва 2,3 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётганлиги аниқланиб, ундан спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олинган.

Ҳуқуқ тарғиботи борасида 1575 та тадбирлар ўтказилди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланилиб, радиода 261 та, телевидениеда 156 та ва матбуотда 136 та чиқишлар қилинди.

Таъкидлаш жоизки, барча тезкор-қидирув ва таҳлилий тадбирларда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш чоралари кўрилди.



Давр талаби

ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ўзига хос жиҳатлари

Бу йил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига йигирма йил тўлади. Мустақилликнинг маҳсули сифатида вужудга келган Асосий Қонунимиз ўтган йиллар давомида унинг мустаҳкам пойдевори, ҳимоя қилувчи қалқони бўлиб хизмат қилмоқда. Конституция бугунги кунда эришган барча ютуқларимизнинг, кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг асосий ҳуқуқий кафолатидир.

Фурқат ШОДМОНОВ,
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари
бошлиғи ўринбосари

Буюк келажакни таъминлаш, энг аввало, ёшларимизга, юртимизнинг баркамол авлодига боғлиқ. Ҳар жиҳатдан комил, ҳам жисмоний бақувват, ҳам маънавий юксак фазилатлар соҳиби бўлган шахсгина юрт равнақининг порлоқ истиқболини таъминлаши мумкин. Ана шундай ёшларни тарбиялаш соҳасида мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ислоҳотларнинг тақдири, унинг қай даражада амалга оширилиши, биринчи навбатда кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганликларига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ. Бунинг учун биз янгича фикрлай оладиган, янги технологиялар асосида ишлай биладиган, замонавий соҳаларни чуқур эгаллаб, самарали фаолият кўрсатадиган ёшларни тарбиялашимиз ва уларга таянишимиз лозим.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури жамиятимиз келажагининг пойдевори бўлган баркамол авлодни тарбиялашни мақсад қилиб қўйган бўлса, бу авлодни юксак ҳуқуқий онгсиз, юксак ҳуқуқий маданиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Юксак ҳуқуқий маданият шахс камолотининг муҳим белгиси, асосий мезонларидан биридир. Халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтириш барча ғоя ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун қуролдир. Бинобарин, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мантиқий давоми, унинг узвий тўлдирилишидир.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш кенг қамровли тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Бу тадбирларнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 27 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга бағишланган Миллий дастурда белгилаб берилган. Фармон ва Миллий дастурда халқимизнинг ҳуқуқий маданияти ва тафаккурини юксалтириш йўллари чуқур таҳлил қилиниб, бу соҳада олиб борилиши лозим бўлган ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қайд қилинган, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини яхшилаш билан боғлиқ барча ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар назарда тутилган.

Фармонда мамлакатимизда адолат тамойилларини қарор топтириш учун уч муҳим субъект — жамият, давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар доирасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши, давлат сиёсати ва ҳукумат фаолияти, ислоҳотларнинг долзарб муаммолари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, аҳолининг ҳуқуқий билим ва савияси юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантириш вазифаси қўйилган эди. Шу мақсадда ҳозирги кунда республикамизда давлатга қарашли бўлмаган мустақил илмий-тадқиқот муассасаси — "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини яхшилаш учун мамлакатимизда ҳуқуқий маърифат тарғиботи тизимининг ташкил қилиниши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти, энг аввало, ўзининг турли қирралари ва хусусиятларига эга бўлган аҳоли ҳуқуқий онгининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Ҳуқуқий маданият, шунингдек, ҳуқуқий фаолиятнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Бунда ҳуқуқшунос олимларнинг назарий фаолияти, юридик таълим муассасалари талабалари ва ўқувчиларининг таҳсил олиш фаолияти ҳамда амалий фаолият назарда тутилади.

Жамият ҳуқуқий маданиятининг яна бир омили ҳуқуқий ҳужжатлар тизимининг ривожланганлик даражасидир. Қонунлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг барча ҳужжатлари қанчалик мукаммал, уларнинг амалга ошириш механизми қанчалик пухта ишланган бўлса, жамиятда қонунийлик, ҳуқуқий тартибни таъминлаш шунчалик енгил ва ҳуқуқий маданият юқори бўлади. Бу жиҳатдан бизнинг давлатимизда ҳар томонлама намуна бўладиган бош ҳуқуқий ҳужжат — Конституциямиз борлигини таъкидлаш жуда муҳимдир.

Истиқлол ғояси, миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш долзарб вазифага айланган бугунги кунда ёшлар ҳуқуқий маданиятини тарбиялашда давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлган Конституциямизга бўлган муносабат марказий ўрин тутади. Фуқароларимизнинг таянчи ва суянчи бўлган Конституциянинг маъно-мазмунини фуқаролар онгига сингдириш, уни синчиклаб ўрганишни ташкил қилиш барча турдаги маънавий-маърифий ишлар, тарбиявий, биринчи навбатда ҳуқуқий тарбия соҳасидаги фаолиятнинг марказида туриши лозим.

Ҳуқуқий таълим ва тарбия соҳасидаги ишларнинг, жумладан, Конституцияни ўрганишнинг самарадорлиги бу ишларнинг муайян қоидалар ва тамойиллар асосида ташкил этилиши ва олиб борилишига боғлиқ. Илмий изланишлар ва кўп йиллик ҳаётий тажриба натижасида шаклланган қуйидаги қоидалар мавжудки, улар ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳақидаги барча турдаги фаолиятга асос қилиб олинсагина бу соҳада ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ҳуқуқий тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири ҳуқуқий тарғибот бўлиб, бу аҳолига амалдаги қонун ҳужжатларини ва амалиётнинг мазмунини, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни таъминлаш учун мутасадди бўлган идоралар (суд, прокуратура, ички ишлар ва ҳоказо) фаолиятини ўз ичига олади. Ҳуқуқий тарғибот муайян тартибда, назарий асослар ва тамойилларга асосланган ҳолда ташкил қилинса, натижа бериши мумкин. Жумладан, ҳуқуқий билимларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш илмийлик, ҳаққонийлик асосида бўлиши, ҳаёт ва амалиёт билан боғлаб, оммабоп тарзда олиб борилиши керак. Шу нуқтаи назардан мутахассис бўлмаган шахсларнинг тайёр матнлар ёки бошқа материаллардан фойдаланиб, ҳуқуқий мавзуларда маърузалар қилишини нормал ҳол деб ҳисоблаш қийин.

Ҳуқуқий тарбияда, жумладан, ҳуқуқий билимларини тарғиб қилишда тарбия объекти бўлган шахсларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш жуда муҳимдир.Тарбиянинг бошқа соҳаларида бўлганидек, шахснинг ҳуқуқий тарбияси қанча эрта бошланса, шунча самарали бўлади. Миллий дастурда кўрсатилишича, ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшликдан бошланиши лозим. Болалар мактабгача бўлган муассасалардаёқ маънавий ва баъзи ҳуқуқий меъёрлар тўғрисида бошланғич тушунчалар олган ҳолда ахлоқий қоидалардан хабадор бўлиши, келгусидаги ўқиши давомида кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши лозим.

Ҳозирги пайтда ижтимоий ҳаётда турли тизимлар фаолият кўрсатаётгани сабабли қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ўз вақтида етарли ахборотни таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш жуда катта аҳамиятга эга

Мамлакатимиз эришган истиқлол барча соҳаларда бўлганидек, ҳуқуқий тарбияда ҳам кенг имкониятлар очиб берди, тарбиянинг муҳим асосларини яратди.

Маълумки, қонунларни ҳурмат қилиш, улар талабларига итоат қилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир. Қонунга, ҳуқуққа бизнинг буюк аждодларимиз адолат мезони, ҳақиқат тарозиси сифатида қарашган. Кишиларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашда биз ана шу бебаҳо хазинадан фойдаланишимиз ва унинг дурдоналарига асосланишимиз лозим.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни самарали ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашимиз, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришимиз керак. Бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўрганиб олиш лозим.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда суд-ҳуқуқ тизимидаги либераллаштириш сиёсатининг ҳам муайян аҳамияти бор. Гап шундаки, либераллаштириш, энг аввало, қонунни бузганлик учун жазонинг муқаррарлигини англатади. Жазонинг муқаррарлиги ўз навбатида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Жазони либераллаштириш фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари давлат ҳимоясида, қонун билан муҳофаза қилинишига ишонч уйғотишга хизмат қилади. Бинобарин, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини уйғотади. Бу ҳуқуқий маданиятнинг асосий намоён бўлиш шакли ҳисобланади.

Демак ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият кенг қамровли, кўп жиҳатларга эга тушунчадир. У шахснинг ижтимоий фаоллиги билан бевосита боғлиқ. Юқори ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият қонун қоидаларига фақат ҳар ким ўзи риоя қилишини англатмасдан, атрофдагилардан ҳам шуни талаб қилиш, уларга таъсир кўрсатишни тақозо қилади.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари	
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371	232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти	Код: 8371	233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374	224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365	223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372	226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375	221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361	222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436	225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369	226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366	235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367	223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376	223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371	271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371	277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373	224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362	227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси



Тубанлик

Шафқатсизлик. Разиллик. Қабиҳлик... Бу атамаларнинг бирортаси ҳам унинг қилмишига муносиб баҳо бўла олмайди. Норасида гўдак олдида намойиш этилган даҳшатли томоша тубанликнинг энг хунук кўриниши эди.

Шерниёз УМРЗОҚОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Эркин ЭШОНБОБОЕВ,
вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Кундуз соат 11:30да эшик тақиллади. Хонадон эгаси қизимнинг дугоналаридан бирортаси бўлса керак, деган хаёл билан қулфни очди. Хонага "Бўтакўз" лақабли зўравон бостириб кирди. Аёл қаршилик кўрсатишга уриниб кўрди, аммо кучлар тенг эмасди. Унинг 2 ёшли қизчаси чинқириб, йиғлай бошлади. Чунки боланинг кўз ўнгидаги манзара қўрқинчли эди. Эшикдан кириб келган киши аввал мушти билан аёлни уриб йиқитди, оёқлари билан тепкилай бошлади ва чўнтагидан дастасига кўк изолента ўралган пичоғини чиқарди. Аёл ҳам, унинг қизчаси ҳам дод солишар, йиғлашар, шафқат сўрашарди. Аммо босқинчи "Бўтакўз" уларнинг нолаларини эшитмади, ёш тўла жавдираб турган кўзлардаги қўрқув ва илтижони кўрмади. Шу лаҳзада унинг хаёлини аёлнинг бўйнидаги тилло занжири ва қулоғидаги зираклари ўғирлаган эди.

Гўдак чирқираб йиғлар, аёл илтижо қиларди: "Нима хоҳласангиз олинг. Қорнимда ҳомилам бор, фақат унга шикаст етказманг!" Бечора аёл ўлим билан юзма-юз турган лаҳзада нега ўз жонини ўйламади? Нима сабабдан у ҳомиласини асраб қолиш эвазига уйидаги бор бойлигини беришга рози бўлди? Бу аёл зотига табиат ато этган энг буюк жасорат. Инсон зурриётини асраб қолиш, ерда ҳаётнинг мавжуд бўлиши, давом этишини таъминлаш аёл зотининг чекига тушган энг оғир ва энг масъулиятли вазифа. Афсуски, "Бўтакўз" ўша лаҳзада ўзининг мавжудлиги, инсон зурриёти бўлиб дунёга келгани ва яшаётганлиги онага, аёл зотининг беқиёс жасоратига боғлиқлигини англашга қодир эмасди. У пичоқ ўқталар ва "Бўйнингдаги занжирингни, қулоғингдаги халқаларингни ечинг!" деб ваҳшиёна овоз билан талаб қиларди. Аёл унинг амрига бўйсунди. Шу лаҳзада унинг кўзига йиғлаб турган қизчаси ва ҳомиласидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. У тилла тақинчоқларини ечиб бераркан, "Нима олсангиз олинг, фақат менга тегманг!" дея илтижо қилди. "Сени ўлдирмасам, мени сотасан!" ўкирди "Бўтакўз" ва аёлга пичоқ урди. Аёл дод солганча, қўшниларини ёрдамга чорлай бошлади. Пичоқ зарбига чап бериш учун ерга эгилди. Шунда пичоқ унинг бош чаноғига зарб билан санчилди.

Аёлнинг ёрдам сўраб дод солишидан чўчиган босқинчи қонли панжалари билан тақинчоқларни маҳкам чангаллаганча, жиноят содир бўлган хонадонни тарк этди. Аёл ҳаёт билан видолашишни истамасди. Вужудида қолган кучини тўплаб, каловланганча эшикни очди, уйдан чиқди-ю йиқилди. Энди одамлар хабар топишидан умидвор эди. Қўшнилар унинг бошига пичоқ қадалган ҳолда ҳушсиз ётганини кўриб, дарҳол керакли жойларга телефон қилдилар.

Косон туман марказий шифохонасида пичоқни олишолмади ва аёлни Қарши шаҳар шифохонасининг жонлантириш бўлимига олиб боришди. Бу ерда кўрилган шошилинч чора-тадбирлар натижасида аёл омон қолди. Шифокорлар инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун курашаётган дамларда босқинчи Лазиз Қайимов, яъни "Бўтакўз" тақинчоқларни тезроқ пуллашни ўйларди. Ҳа, унинг иши ҳам шошилинч эди. Аввал кўп марта судланган ва умрининг бебаҳо лаҳзаларини панжара ортида ўтказган бу кимса арзимас пул учун бегуноҳ бир инсон қонини тўкишга жазм қилди. Аёл тилла занжирни қизи учун берилган нафақа пулига — 200 минг сўмга, тилла халқани 65 минг сўмга сотиб олган эди.

Такси ҳайдовчиси С.Назаров Қарши Давлат университети яқинидаги бекатда мижоз кутиб турарди. Шу пайт нотаниш бир киши келиб, машинага ўтирди. Аммо у йўловчи эмасди. Чўнтагидан тилла тақинчоқларни чиқариб кўрсатди ва бир талай ёлғонни қалаштирди. Йўлда "Нексия" машинаси билан бир аёлни уриб кетгани, уни даволатиш учун тақинчоқларни сотмоқчи эканини билдирди. Такси ҳайдовчиси шубҳаланмаслиги учун яна ёлғон ишлатди: "Тақинчоқлар онамники, пул кераклиги учун олиб чиқдим. Бу ерга келишдан аввал Шибаева кўчасида тилла тақинчоқлар сотиш билан шуғулланувчи опага олиб борган эдим, пули йўқлиги учун олмади", деди. Шундан сўнг такси ҳайдовчиси тақинчоқларни 150 минг сўмга сотиб олди.

Орадан уч кун ўтиб, С.Назаров тақинчоқларни терговчига тегишли тартибда топширишга мажбур бўлди ва шу ерда бор ҳақиқатни англади.

Икки ёшли қизчаси ва ҳомиласининг бахтига аёл омон қолди. Шифохонада даволаниб чиқди ва судда ўша кунги даҳшатли воқеа тўғрисида кўрсатув берди.

Бу мудҳиш воқеа сабабчиси Лазиз Қайимов ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятни охирига етказа олмади. 2 ёшли гўдакнинг чинқираб йиғлаши, аёлнинг дод солиб, ёрдамга чорлаши ва ўзини қаттиқ ҳимоя қилиши жиноятчини тезроқ қочиб қолишга мажбур қилди. Аммо "бузоқнинг югургани сомонхонагача" деганларидек, у қонуннинг адолатли ҳукмидан қочиб қутула олмади. Унга суд узоқ муддатли қамоқ жазоси тайинлади.

Воқеа тафсилотига эътибор қилсангиз икки хил манзара кўз олдингизда намоён бўлади. Бири — ҳаёт учун кураш, ҳар қандай бойлик эвазига бўлса ҳам инсон зурриётини сақлаб қолиш, иккинчиси — ҳаёт гулини топташ эвазига моддий бойликка эга бўлиш. Уларнинг интилишлари ва дунёқарашида ҳам ер билан осмонча фарқ бор.

Бу воқеа рўй берганига анча бўлди. Унинг тафсилотига тўхталишдан кўзда тутилган мақсад эса, фақатгина "Бўтакўз" лақабли кимсанинг кирдикорини баён этиш эмас, балки содир этилган жиноят фош бўлмасдан қолмаслигини, ҳозирги пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жуда катта имкониятларга эга эканлигини яна бир бор эслатишдир. Жиноий йўл билан пул топиш, бойиш илинжида бўлган кимсалар буни асло унутмасликлари керак.

Бу гал қиш қаттиқ келди. Январь ойининг ўрталари, кетма-кет қор ёғиб, ерлар музлаган, совуқ забтига олган кунлар эди. Кеча ароққа пиво аралаштириб ичган, эрталабдан боши лўқиллаб оғриётган Дилшод ҳеч нарса бўлмагандай, синглисининг уйига борди. "Дадам тузукми", деб сўраганида "ҳа, яхши", дея гапни калта қилди.

Падаркуш

— Андижонда ишим бор, қарз бериб тур, икки-уч кунда қайтариб бераман.

Р.Раҳмонова акасига 60 минг сўм санаб берди. Дилшод Андижонга бориб, қарзга олган пулини ичкиликка сарфлади. Эртаси куни эрталаб уйқудан уйғонгач, Пахтаободга, уйига қандай келганини элас-элас эслади. Бет-қўлини ювиб, артинди-ю, телевизорни орқалади. Бозорга олиб чиқиб, 70 минг сўмга пуллаб юборди. Кейин синглисининг кўча эшигини тақиллатди.

— Манавини олиб тур, қолганини кейин бераман, — дея унга 40 минг сўмни узатди.

— Дадам яхшими? Қаерда ҳозир?

— Тағин Қозоғистонга бораман девди, кетиб юборди, шекилли.

Кеча акаси келиб кетганидан буён аёлнинг кўнгли ғаш эди. "Алдаяпти, қиш кунида Қозоғистонда нима қилади? Дадамни тағин уриб, бир нарса қилиб қўймадимикин? Яшшамагур, одам бўлмади-бўлмади." Ўтган йили Дилшод мастлигида отаси билан гап талашиб қолган, уриб, оёғини синдириб қўяй деган, отабезорига суд бир йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаган эди. Нима қилса ҳам ўғлида, Карим ака уни кечирди, ҳайдаб солинг, уйингизга киритманг, дегувчиларга қулоқ солмади. Ўн бир йил аввал, ўн саккиз ёшида ўғирлик қилиб судланган, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган Дилшод "бир адашдинг, энди ҳаром-ҳариш ишларга яқинлашма", деган ота насиҳатларини сариқ чақага ҳам олмади. Бир йил ўтар-ўтмас, бировнинг мулкига кўз олайтирди. Қўлга олиниб, судланди. Бу сафар ҳам унга мурувват кўрсатилиб, озодликдан маҳрум этилмади, 2 йилу икки ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

Ота-онаси, қариндошлари маслаҳатлашиб, оила қурса қуйилиб қолар, деган умидда Дилшодни уйлантиришди. Бироқ феъли баттар айниса, айнидики, ўнгланмади. Бир жойда ёлчитиб ишламади. Ичиб олиб, ҳақорат қилишлари, калтаклашларига чидамаган келин бош олиб кетди. Дилшод назарида бели бақувват туюлган бойваччалардан бирини кўз остига олди. Бу сафар "ишни ишкалсиз" уддалашига, қўлга тушмаслигига ўзини ишонтириб, йирик ўлжага чанг солди. Аммо ундан фойдаланишга улгурмади. Икки бор судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармаган, ўғирликни касб қилиб олган Д.Садиқов суд ҳукми билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Иккинчи марта уйланган хотини ҳам ундан юз ўгирди. Жазони ўтаб қайтганида, онаси вафот этган, акаси Россияга ишлагани кетган, синглиси турмушга чиққан, ёши олтмишдан ўтган отаси ёлғиз яшаётган эди. Яхшими-ёмонми, жигар экан, Карим ака пешонасига ўғри тамғасини ёпиштириб олган, ҳеч ким орага қўшмай қўйган ўғлига бағрини очди, уйидан жой берди. Ўттиз ёшдан ўтдинг, бас энди, биронта ишнинг этагини тут, қаторга қўшиласан, дея насиҳат қилди.

— Хўп-хўп, бир гап бўлар, — Дилшоднинг ғаши келди. Отаси ҳар гал ишдан сўз очса, жони ҳалқумига келгудай бўлар, гапини бўлиб, силтаб ташларди. Бир-икки мастлигида мижғовланаверган отасини аямай урди.

12 январь куни Карим ака озгина ичиб олганди. Ота-бола ўртасидан тағин қора мушук ўтди. Уйда икковларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Судланувчи Д.Садиқовнинг сўзларига қараганда, кундузги соат икки яримларда кўчадан кириб келган, бир оз кайфи бор дадаси қачонгача елкамда ўтирасан, газдан, электрдан қарзларни тўла, деб ўдағайлай бошлаган.

— Жаҳлим чиқиб, кўчага чиқиб кетдим, — дея кўрсатмасини давом эттиради судланувчи. — Чойхонада кечгача бир шиша арақни бўшатдим. Уйга қайтаётиб, битта шишада "Сарбаст" пивосини сотиб олдим. Кечки пайт соат олти яримлар эди. Хонамга кириб, чўзилдим. Уйдаги мушукни овозидан чўчиб уйғонсам, дадам қор курайдиган куракни ушлаб турибди. Кураклари билан мени нуқиб, "сенда шу мушукчалик ҳам ақл йўқ", деди. Гапига яраша жавоб бердим. Жанжал авжига чиқди. Қўлимга тушиб қолган пиво шишаси билан бошига солдим. Шиша пачақ бўлди. Тузланган бодринг шишасини олиб, яна бошига урдим. Сингунича уравердим. Дадамнинг боши қонга беланиб, эшикка суянди. Уни қўлтиқлаб, хонасига ётқизиб чиқиб, ухлаб қолдим. 13 январга ўтар кечаси соат учларда уйғониб кетиб қарасам, дадам ўлиб қолибди. У анча бақувват, дароз одам эди. Жасадини ҳаммомга судраб кириб, ўраб қўйдим. Полдаги қон юқини артиб ташладим. Тонг отганидан кейин синглимнинг уйига бориб, қарзга пул сўраб олдим. Келаси куни телевизорни сотиб, қирқ минг сўмини синглимга олиб бориб бердим...

— Тўғрисини айт, дадамга нима бўлди? — пулни олаётиб сўради Р.Раҳмонова. — Бир нарса қилиб қўйдингми, ё? Ҳозир ортингдан бораман уйга...


Дилшод унинг гапларини эшитиб, уйига шошилди. Ошхонадаги газ плитаси, девор, полга сачраган қон доғларини артиб, тозалади. Отасининг жасадини ҳаммомдан айвонга судраб олиб борди. Жасадни увада кўрпа-тўшаклар билан беркитиб ташлади.

— Тағин отамни урган сан, — деди уйга эри билан кириб келган синглиси. — Тиригими, ўлигими, ҳозироқ топиб бер!

Дилшод алланималарни ғўлдираб, кўчага чиқиб кетди. Тошкентга кетиб юборса, топа олишмайди. Йўлкирага яраша пули бор. У ёғи бир гап бўлар...

У узоққа бора олмади. Пахтаобод туман ИИБ ходимлари падаркушни ҳибсга олишди.

Суд мажлисида ўзининг иқрорлиги, яқин кишилари, гувоҳларнинг кўрсатмалари орқали енгил-елпи яшашга, кайфу-сафога берилиб, ўғирлик устига ўғирлик қилган, тобора тубанлашиб, инсоний қиёфасини йўқотган, жазони ўтаб қайтгач, ичкиликка ружу қўйиб, отасига қўл кўтарган, бунинг учун судланганидан кейин эса падарини калтаклаб ўлдирган ўттиз икки яшар Д.Садиқовнинг айби тўкис исботланди. Ўта хавфли рецидивист, деб топилган падаркуш 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.



Т.ТОШТЕМИРОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори

2011 йил 17 ноябрь. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг очиқ суд мажлиси. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сотиш) билан айбдор деб топилган судланувчига нисбатан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш тўғрисида ҳукм эълон қилинди. Ҳа, одамзод бошига фақат ва фақат кулфат келтирувчи, барча жиноятларнинг илдизига сув қуювчи бу жирканч жиноятни содир этганларга жазо муқаррар. Бироқ...

Жиноят кўчасидаги санам

Набижон ЯХШИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Мехринисо ҲУСАИНОВА,
журналист

Бироқ, панжара ортида 28 ёшли жувон, икки норасиданинг онаси ўтирибди. Бу не бедодликки, ҳаёт бардавомлиги, дунё гўзаллиги маъбудаси саналган, инсонга умр бахшида этгувчи аёл ёмонликнинг этагидан тутса, разолатга эш бўлса...

Ургутлик Инобат Раҳимова бу қилмишини рўзғор ташвишида, иқтисодий ночорлик сабаб содир этганини важ сифатида келтирди. Аммо, бундай тубанликни асло оқлаб бўлмайди. Ахир, у сотмоқчи бўлган салкам бир килограммга яқин гиёҳвандлик моддаси қанчадан-қанча хонадонларнинг ҳаловатига раҳна соларди, қанчалаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин эди. Хўш, бунча миқдордаги гиёҳванд моддани И.Раҳимова қаердан олди ва кимга сотмоқчи эди, деган савол туғилиши табиий.

Икки йил бурун қўшни қишлоққа тўйга борган эри С.Таибов кеч маҳалда ширакайф уйига қайтади. Полиэтилен пакетларга ўралган нарсани хотинининг қўлига тутқазар экан, яхшилаб яшириб қўйишни тайинлайди. Унинг нималигини тахмин қилган Инобат эри уқтирганидек, пакетни молхонасидаги машинанинг эски гилдираги ичига яшириб қўяди. Икки ой деганда тўсатдан эри вафот этгач, у қайнонаси билан келиша олмайди ва қайнона алам устида уни уйидан ҳайдаб юборади.

Инобат эри олиб келган ўша нарса катта пул бўлишини ўйлаб, уни ҳам яширган жойидан олиб кетади.

Қўларнинг бирида ўзи сингари бева Лобар исмли дугонаси қўнғироқ қилиб, бирга Зангиота туманида жойлашган жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётган холасини кўриб келишни, йўл харажатларини ўзи тўлашини айтади. Инобат ўйлаб ўтирмай, бу таклифга рози бўлади ва ота-онасини қишлоқдоши Машҳураникига бориб келаман, деб алдаб Лобар билан йўлга отланади. Ўша ерда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманилик 50-55 ёшлар чамасидаги Ибоб исмли шахс билан танишиб қолади. Ибоб гап орасида "Мабодо "қорадори" топилмайдими", деб сўрайди.

Инобат кўпдан бери эридан қолган омонатга харидор чиқишини кутиб юрганди. Назарида янги таниши фақат шу иш билан шуғулланадиган туюлди-ю, фурсатни бой бермади.

— "Қорадори" эмас, героин бор.

— Яхши, "тоже" қиммат товар. Бир килоси ўн икки минг доллар.

Бу нархни эшитган Инобат сергак тортди.

— Аниқ бор.

— Фақат "доставкаси" ўзингдан, — деди Ибоб. — Ургутдан "папутний"ларга чиқиб, Бухоранинг "Карвон бозори"гача келасан, у ердан Элликқалъага ўтувчи автобусга ўтирасан. Товарни эркаклар кийимига ўраб, битта пакетга сол. Автобусга чиққач, ўзинг ўтирадиган жойдан уч-тўрт "сидена" нарироққа, тепага юк қўядиган жойга қўй-да, ўзинг бошқа жойга ўтир. "Любой" таксига мени айтсанг, уйимга ўзлари келтириб қўйишади.

— Телефонингиз рақамини берсангиз...

— Менда телефон йўқ. Телефонда нимани гаплашасан? Районга борсанг, мени топиш осон.

Инобат бу суҳбат ҳақида ҳеч кимга, ҳатто дугонаси Лобарга ҳам индамади. Хаёлида фақат пул. "Қўлидаги бир килоча чиқади. Ибоб айтганидек, 12 тани берса, ў-ҳў-ў, неча миллион бўлади-ку". Ургутга қайтгач, уникида-муникида иш бажариб, 84 минг сўм жамлади.

Товар билан йўлга чиқишга қарор қилган Инобат бу сафар ҳам ота-онасига ёлғон гапирди, холасиникига бориб келишини айтди.

5 август куни Ургутдан Самарқандга, Самарқанддан Навоийга, сўнг Бухорога турли йўналишдаги автомашиналарда алмашиб келди. "Карвон бозори" олдидан "Бухоро-Нукус" йўналишли автобусга чиқиб, ўрта ўриндиқлар тепасига сумкасини жойлаштиргач, ўзи бошқа ерга ўтирган Инобатнинг сафари Ромитан тумани ҳудудидаги "Чандир мунтазам" ЙПХ масканида поёнига етди. МХХ ва ИИБ ходимлари холислар иштирокида автобусдан топишган 984,04 грамм героинни Инобат ўзига тегишлилигини тан олмаган бўлса-да, уни жойлаштирганини йўловчилар кўришган эди.

Ўзбек аёли ҳамиша сабр-қаноат тимсоли бўлиб келган. Инобат ҳам эл қатори яшаб, атрофидаги аёллар сингари бирор-бир ҳунарни эгаллашга қунт қилганида, қариндош-уруғига оқибатли бўлганида, жиноят кўчасига асло йўламас, надоматда қолмас, болаларига бош бўлиб, уйининг чирогини ёқиб ўтирган бўлар эди. Бироқ, нафс кўйида, бойлик илинжида у қабоҳат ботқоғига ўзини-ўзи ташлади.

Тилла васвасаси

Парда НАРЗИЕВ,
Ғаллаорол туман прокурори
Баргида МЎМИНЖОНОВА,
«Huquq»

Куз ойининг охирлари. Шокир Ҳамидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўз уйига яқин ҳудудда истиқомат қилувчи "Малла" исмли кишида 3 кг.дан ортиқ тилла борлигини эшитди-ю, шу кундан ҳаловати бузилди.

Ўрганган кўнгил, ўртансa қўймас, деганларидек, муқаддам судланган бўлишига қарамай яна жиноят кўчасини танлади. Унинг галдаги жиноий режаси "Малла"нинг тиллаларини қандай қилиб бўлмасин ўзиники қилиш эди. У шу мақсадда таниши Хуршид Зуфаровни ҳам шерик бўлиш, ҳам иш тезроқ ва хавфсиз битиши учун ишончли, бақувват йигитларни чақиришни сўраб, унга қўнғироқ қилди.

— Яхши, болалар билан гаплашиб кўрай-чи? Ўзим кейин қўнғироқ қилиб, жавобини айтаман, — эътироз билдирмади Хуршид. Бундай қинғир ишларга ўрганиб, бир неча бор судланишга улгурган Хуршид илтимосни ўша куннинг ўзидаёқ ҳал қилди. Жазони ижро этиш муассасасида танишган жиззахлик танишлари билан боғланди-да, уларни "режа"дан хабардор қилиб, аниқ кунини ўзим айтаман, дея уларга кутишни тайинлади.

Орадан бир ойча вақт ўтгандан сўнг, Хуршид шерикларини тўплаб Шокир билан боғланди.

— Бугун йигитларни йиғаман. Сеникига ўтамиз. Кеч киргач, анави "иш"ни битирамиз. Нима дейсан, маъқулми?

— Менга маъқул, бугун бўлса, бугун тинчитаверамиз.

Кечга яқин Хуршид чақирган йигитлардан бири — Ёдгорнинг "Нексия" русумли машинасида ҳамтовоқлар ўзларининг шум ниятларини амалга ошириш сари йўлга отландилар. Ҳали қоронғу тушмаганидан фойдаланиб, йўл-йўлакай "қуролланиб" олиш мақсадида туман марказий касалхонаси ёнида машинани тўхтатишди. Хуршид билан Саттор дорихонага кириб, шприц олиб чиқиб, машинадаги қуроллар — елим идишдаги сирка ва узун трубалар ёнига қўйди.

— Рулни "Маржонбулоқ"қа бур, чойхонада бироз ўтирайлик. Шошиб қаёққа ҳам борардик, ҳали эрта, — дея Шокир шерикларини чойхонага бошлади.

Бешовлон чойхонада бир шиша арақни бўшатиб бўлиб, бироз суҳбатлашиб ўтиришди. Кейин ўринларидан қўзғалишди.

Тунги соат 24:00 ларга яқин, бошларига ниқоб кийган, қуролланган босқинчилар "Малла"нинг уйи ёнида пайдо бўлишди. Атрофни кузатиб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, уйнинг чироғи ёниқ турган хонасига бостириб кириб боришди. Хонада "Малла" уйига меҳмон бўлиб келган бир таниши билан суҳбатлашиб ўтирарди.

Босқинчилар вақтни бой бермай, уй эгаси билан меҳмонни қўлларидаги темир жисмларни ўқталиб қўрқитиб, қўл-оёқлари ва оғизларини "скотч" билан боғлай бошлашди. Сўнгра, агар тиллаларни қаердалигини айтмаса, шприц ёрдамида танасининг турли жойларига сирка кислотасини юборишни айтиб, таҳдид қилишга ўтишди. Кутилмаганда хонада кўтарилган шовқиндан қўрқиб кетиб, қўшни хонадан чиқиб келган уй бекаси ҳам босқинчилар қўлидан қочиб қутула олмади.

— Агар тиллаларни тезда олиб чиқмасанг, жонингдан умидингни узавер, — дея босқинчилардан бири қўлидаги темир бўлаги билан аёлга яқинлашди.

Бўлаётган воқеалардан ўзини йўқотиб қўяёзган аёл ниқобли кимсаларнинг гоҳ темир жисмлар, гоҳ шприц ёрдамидаги таҳдидларидан батамом тамом бўлди. Кўнишдан бошқа чораси қолмаганини тушунди-да, ноилож қўшни хонадан қора қутига солинган тилла тақинчоқларни олиб чиқди. Шу пайт тўсатдан дераза тақиллаб қолди-ю, босқинчилар саросимага тушиб қолишди. Шоша-пиша қутидаги 22 миллион 130 минг сўмлик тилла буюмларни олиб, уйнинг орқа томонида кутиб турган машинада воқеа жойидан ғойиб бўлишди.

Эртаси куни қўлга киритилган ўлжани аввалдан таниш бўлган ҳамтовоқларидан бирига 4 млн. 100 минг сўмга пуллаб, даромадни ўртада бўлишиб олишди.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, деганларича бор. Тезкор суриштирув ва текширувлар натижасида жиноятчиларнинг шахси тез орада аниқланиб, улар қўлга олиндилар. Суд ҳукмига кўра, аввалги жиноятлари ва ўталмай қолган жазо муддатлари ҳисобга олиниб, жиноятчиларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо тайинланди. Х.Зуфаров эса ўта хавфли рецидивист, деб топилди.

Тўғри, жиноятга жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Аммо энг аянчли жиҳати, судланувчилар ўзларига берилган имкониятдан унумли фойдалана олишмади. Муқаддам содир этган жиноятлари учун тайинланган жазо муддатини тугатмай туриб, ўзлари яна шу кўчани танлашди. Нима ҳам дердик, ҳар ким экканини ўради...



«Занжир» ниҳоят узилди

Жамшид КАРИМОВ,
Термиз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи

Гиёҳвандликка аср вабоси, дея таъриф берилгани бежиз эмас. Бу иллат ким бўлишидан қатъи назар, ўз домига тортдими, тамом, унинг тузоғидан чиқиш қийин кечади. Абгор қилмагунча қўймайди. Ачинарлиси эса, бу оддий ҳақиқатни ҳамма яхши билгани ҳолда, айримлар бундан кўз юмишга ҳаракат қилдилар. Салкам 50 ёшни қоралаб қолган Алишер Қурбонов ҳам бундан хабардор эди. Шундай бўлса-да, таваккал дея ҳовлисига бир туп наша экқач, парваришлай бошлади. "Ҳосил" етилгандан кейин, ўриб, қуритиб қўйди-да, оз-оздан истеъмол қилишга киришди.

"Кўр кўрни қоронғида топади", дейишади. Маҳалладошининг "хобби"сидан хабар топиб, унга "ҳаваси" келган Нурмуҳаммад Қосимов хуморини босишга ёрдам сўраб, илтимос қилган эди, А.Қурбонов йўқ, дея олмади. Ўтган йилнинг август ойи охирларида Шўрчи туманидаги мол бозорининг ёнида 3,64 грамм марихуанани Н.Қосимовга 25 минг сўмга сотиб, уни хурсанд қилди.

Орадан икки ойлар ўтгандан кейин Н.Қосимов яна келди ва бу сафар ҳам шунча миқдордаги гиёҳвандлик воситаси ўша нархда унинг қўлига ўтди. Бундай ҳолат ноябрь ойида ҳам такрорлангач, жорий йилнинг январь ойида А.Қурбонов нархни салгина оширди ва юқорида қайд этилган миқдордаги гиёҳвандлик воситасини 30 минг сўм эвазига бериб юборди. Февраль ойида унинг олдига келган Н.Қосимов "Мол"дан кўпроқ топиб беришнинг иложи йўқми", деб сўраган эди, А.Қосимов бунинг ҳам иложини топди. Уйида тайёрлаб қўйган "мол"дан 10,92 граммдан сал кўпроғини келтириб берди-да, эвазига 90 минг сўмни чўнтагига урди.

Н.Қосимов ҳам анойилардан эмас экан. Ўша куннинг ўзида ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзи билан бир мактабда ўқиган синфдоши Фарҳод Холмуродовга 100 минг сўмга сотиб юборди. Ф.Холмуродов ҳам ўз навбатида ундан харид қилган "мол"ни уч қисмга бўлди-да, битта гугурт қутидагисини Шўрчи туманида истиқомат қилувчи Абдимўмин Чўллиевга 50 минг сўмга пуллади. Қўлма-қўл ўтиб келаётган марихуананинг сафар энди тугаган бўлса керак, деб ўйларсиз. Янглишдингиз. А.Чўллиев ҳам олди-сотди орқали икки-уч сўмлик бўлиб қоламан, деган ўйда харидор қидирди-да, тезкор ходимлар томонидан ўтказилаётган тадбирга жалб қилинган фуқарони харидор, дея у билан савдолашиб, 50 минг сўмга ўзи отиб олган гиёҳвандлик воситасини 85 минг сўмга сотишга келишди. Аммо бу сафар савдо пишди-ю, амалга ошмади. У харидор билан учрашиб, гиёҳвандлик воситасини унга берган вақтда қўлга олинди.

Шундай қилиб, ўзига хос "занжир" орқали бир-бири билан боғланган жиноятчиларнинг қилмишларига чек қўйилди. Суд томонидан уларнинг ҳар бирига тегишли жазо тайинланди. Шунингдек, Ф.Холмуратов билан А.Қурбоновга суднаркологик экспертизасининг хулосасига кўра, жазони ўташ жойларида ЖКнинг 90-моддасига асосан мажбурий тартибда наркомания касаллигидан даволаниши белгилаб қўйилди.

Қизларни эъзозлаш – келажакни эъзозлаш демак

Ўтаётган ҳар бир кун бизни Ўзбекистонимиз мустақиллиги шодиёналарига яқинлаштирмоқда. Барча ватандошларимиз қатори попликлар ҳам ана шу энг улуғ, энг азиз айёмни катта ишлар ва катта орзулар билан, ҳурриятлик ва кўтаринки руҳ билан қаршилашмоқда. Байрамлар тантана ва шодиёна билан бирга, ўзига хос сарҳисоблар мавридидир. Ахир Истиқлол буюк неъмат, ундан олаётганимиз эвазига Ватан учун хизмат қилишдек бурчимиз бор!



Икромжон СОЛИЕВ,
Поп туман прокурори

Қолаверса, Поп туманини "Водий дарвозаси" деб қўйибдиларки, шу дарвозани гўзал, шинам, ораста тутиш, ҳавасга арзийдиган мақомга кўтариш попликларнинг шарафли вазифасидир. Иффихор билан айта оламизки, ўтган йигирма бир йил ичида туманимиз янгидан туғилди, гуллаб-яшнади. Айниқса, саноат, қурилиш, маънавият сезиларли даражада юксалди. Қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳадаги туб ислоҳотлар қишлоқлар қиёфаси ҳамда кишилар онгида улкан ўзгаришларни вужудга келтирди.

Шу ўринда баъзи рақамларни келтирамиз. 2011 йилда бир неча миллион долларлик саноат маҳсулоти экспорт қилинди. Бу ҳазилакам гап эмас. Бунда истиқлол меваси бўлган "Поп-фен", "Палма-текстиль", "Раутомь" қўшма корхоналарида, "Узрубероид" МЧЖда меҳнат қилаётган ишчиларнинг ҳиссаси улуғ. Жорий йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди.

Қайд этиш жоизки, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида изчил илгарилаб борилаётган мамлакатимиздаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий юксалиш жараёнлари диққат билан кузатилса ёки янада чуқурроқ илмий-таҳлилий нуқтаи назардан қаралса, барча ислоҳотларга миллий менталитет, яъни халқимиз ўзлигининг кўп асрлик тарихий тамойиллари, юксак маънавияти пойдевор қилиб олинаётганлигини кўриш мумкин. Яъни, Президентимиз раҳнамолигида биз асрий қадриятларимиз заминида замонавий давлат, илғор жамият қуряпмиз. Бу маҳалла, оила, таълим-тарбия ва жамоатчилик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларда яққол ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, Юртбошимиз томонидан оилалар мустаҳкамлиги ва баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани замирида халқимиз келажагига дахлдор буюк эзгу мақсадлар мужассамдир.

Демак, бугун олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири — бу ёшларнинг катта ҳаёт йўлини тўғри танлашларига, айниқса, қизларнинг жамиятда ўз ўрниларини топиб, унинг фаол аъзоси бўлишларига кўмаклашишдир. Мана шу икки вазифанинг тўлақонли ижросини таъминлаш оила, барча оилалар тимсолида жамият мустаҳкамлигига хизмат қилади.

Туман прокуратураси томонидан бу борада амалга оширилаётган ишларда давлат ва нодавлат ташкилотлари, кенг жамоатчилик ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилган. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар таълимига йўналтириш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича кўрилаётган амалий чора-тадбирлар қаторида қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатларига барҳам бериш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тумандаги 9 та касб-ҳунар коллежларини 2011-2012 ўқув йилида 3385 нафар ўқувчи битирмоқда. Бу туман прокуратураси, туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари олдига катта масъулият юклайди. Чунки бу даврда битирувчи қизлар ва уларнинг ота-оналарида оилавий индивидуал муҳит ва бошқа сабаблар натижасида иккиланиш, шошқолоқлик, нотўғри қарор қабул қилиш каби мураккаб вазият ҳукмига тушиб қолиш ҳоллари кўп учрайди. Айниқса, чекка қишлоқларда ота-оналар орасида фарзандларини моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан, яъни ишлаб, пул топиб, оилага ёрдам берсин, дея турли ишлар, хўжалик юмушлари билан банд қилиб, ўқитиш, касб ўргатишга иккинчи даражали масала сифатида қарайдиган ёки "жойи чиқса, узатиб қўя қоламиз", деб қали оилавий турмушга тайёр бўлмаган қизларни турмушга бериб юборадиган саёз тушунчалар ҳам йўқ эмас. Бундай ота-оналар ўзлари билмаган ҳолда фарзандлик бурчи, мажбурияти билан изиллиридан чиқмайдиган ёшларга ҳаёт йўлини танлашда хатога йўл қўйиш эҳтимолларини юзага келтирадилар. Шу каби муаммоларнинг олдини олишда, албатта, кенг жамоатчилик муҳим рол ўйнайди.

Шуни инобатга олиб, туман прокуратураси ва туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан битирувчи қизлар, уларнинг ота-оналари, улар яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғини, ўқиётган мактаби билан яқин ҳамкорлик асосида иш олиб борилмоқда. Тумандаги ҳар бир мактаб, касб-ҳунар коллежларида хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш чоралари кўрилмоқда. Аввало, уларга ҳар томонлама муносиб, фаол аёллар жалб этилиб, махсус хона, меъёрий ҳужжатлар тўплами билан таъминланди ва йиллик иш режалари ишлаб чиқилди.

Мактаб ва коллежлар қошида қизларни оилавий турмушга тайёрлаш бўйича маънавий-маърифий, ижтимоий-маиший, иқтисодий, соғлом турмуш тарзи, касб-ҳунарга йўналтириш борасидаги ўз Низоми ҳамда назарий ва амалий машғулотлар дастурига асосан фаолият юритаётган "Ораста қизлар" тўгараклари ташкил этилди. Мактаб ўқитувчиларидан ташқари, тиббиёт, психология, тадбиркорлик каби турли соҳа мутахассисларининг жамоатчилик асосидаги машғулотлари ҳам уюштирилаётгани туфайли ўқувчи қизларнинг мазкур тўгаракларга бўлган қизиқишлари тобора ортиб бораяпти ва бундан ота-оналар ҳам мамнун.

Туманда 9 та касб-ҳунар коллежлари бўлиб, уларга умумтаълим мактаблари хотин-қизлар қўмитасининг раислари бириктирилган. Улар томонидан ўқув йили давомида битирувчи қизларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича ҳар бир ўқувчи қиз, уларнинг ота-оналари билан якка тартибда суҳбат, тақрорий сўровномалар уюштириб келинмоқда. Бундай тадбирлар битирувчи қизларнинг касб-ҳунар танлаш хусусидаги фикрларини шакллантириш ва ўз вақтида қатъий қарор қабул қилишларида муҳим аҳамият касб этяпти.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида тумандаги барча касб-ҳунар коллежларида давра суҳбати, очиқ мулоқот, очиқ эшиклар кунлари ўтказилди ва уларда 2 минг нафарга яқин ўқувчи ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этдилар. Шунингдек, туман прокуратураси, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ва коллежлар ҳамкорлигида битирувчилар ўртасида касб-ҳунар танлаш бўйича уч марта ёзма сўровномалар ўтказилди. Масалан, шундай сўровномалар натижасида 11 нафар битирувчи қизнинг ўқишни қаерда давом эттириш ва қайси касб ёки ҳунарни танлаш ҳақида аниқ фикри йўқлиги ёхуд 7 нафар ота-онанинг қизини таълимнинг кейинги босқичига йўллаш бўйича бефарқлиги аниқланиб, улар ўртасида алоҳида олиб борилган тушунтириш ишларидан сўнг ҳолатнинг ижобий томонга ўзгаришига эришилди.

"Мутахассислик — сенинг келажагинг!" мавзусидаги кўргазма, коллежларда умумтаълим мактабларининг битирувчилари учун ўтказилган очиқ дарслар, маҳаллаларда уюштирилаётган тарғибот-ташвиқот учрашувлари "Маҳалла", "Камолот", "Нуроний" ташкилотлари, "Оила" илмий-амалий маркази ва бошқалар билан ҳамкорликдаги тадбирларда қизларни касб-ҳунарга йўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, 12-20 майгача тумандаги барча коллежларда ота-оналар, талаба қизлар иштирокида "Эрта турмушга чиқишнинг оқибатлари" мавзусида давра суҳбатлари уюштирилди. Туман маданият саройида кенг миқёсда "Сиз турмушга тайёрмисиз?", "Эрта ҳомиладорликнинг оқибатлари" тўғрисида малакали мутахассисларнинг маърузалари ташкил этилди. Бундан ташқари, никоҳдан ўтиш учун ариза берган коллеж талабалари аниқланиб, улар билан якка тартибда тушунтириш ишлари ўтказилмоқда. Бу борада қишлоқ, маҳалла фаолларининг ишлари юзасидан ҳисоботлари тингланмоқда.


ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида Қува туманида ўтказилган очиқ «ким ошди» савдолари натижалари.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг тавсифи	Ер участкаси жойлашган манзили ва контури	Ер участкаларинг бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилган баҳоси (сўм)
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 4 та ер участкаси	"Маданият" ҚФЙ Шарқ Юлдузи қишлоғи ҳудудидаги 262-контур	464 400	752 000 дан 8 000 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 8 та ер участкаси	"Деҳқонобод" ҚФЙ Меҳнатобод қишлоғи ҳудудидаги 293-контур	464 400	752 000 дан 1 900 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 7 та ер участкаси	"Маданият" ҚФЙ Шарқ Юлдузи қишлоғи ҳудудидаги 271-контур	464 000	822 000 дан 4 500 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 13 та ер участкаси	"Маданият" ҚФЙ Шарқ Юлдузи қишлоғи ҳудудидаги 276-контур	464 400	752 000 дан 8 500 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 47 та ер участкаси	"Туркровот" ҚФЙ ҳудудидаги 67қ-контур	464 400	752 000 дан 4 500 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 46 та ер участкаси	"Маданият" ҚФЙ Хонобод қишлоғи ҳудудидаги 136қ-контур	464 400	752 000 дан 7 000 000гача
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 22 та ер участкаси	"Намуна" ҚФЙ Қалмоқ қишлоқ ҳудудидаги 180-контур	464 400	850 000 дан 3 300 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 43 та ер участкаси	"Янгиқишлоқ" ҚФЙ Тожик қишлоқ ҳудудидаги 108- контур	464 400	822 500 дан 6 000 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 111 та ер участкаси	"Намуна" ҚФЙ ҳудудидаги 1401-контур	464 400	850 000 дан 2 600 000 гача

"EFFECT REAL GROUP" масъулияти чекланган жамияти.
Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси 2-қават, 21-хона. Тел. + 99895 404 54 84. Лицензия RR 0094.

Муборак бўлсин



Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, самимий ва камтарин инсон прокуратура фахрийси Роберт Каракеян қутлуғ 75 ёшни қаршиламоқда.

У меҳнат фаолияти давомида Ангрен шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, ўринбосари, Ангрен шаҳар прокуратураси катта терговчиси, Оҳангарон туман прокурори, Тошкент авиация транспорт прокуратураси терговчиси, прокурор ёрдамчиси, катта ёрдамчиси лавозимларида фаолият кўрсатиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Роберт Мартиросович иш жараёнида ўзининг меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, самимийлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида Роберт Каракеяннинг кўплаб шогирдларини учратиш мумкин. Улар устозидан ўрганган касб сир-асрорларини амалиётга татбиқ этишмоқда.

Роберт Каракеяннинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Роберт Мартиросович, бугунги шодиёна кунда сизга узоқ умр, сиҳат саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз. Қутлуғ 75 ёшингиз муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

Огоҳ бўлайлик

Одам савдоси — инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, унинг чегара танламаслиги, домига асосан ёшлар ва аёлларни тортаётганлиги барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Минг афсуслар бўлсинки, бағрикенг, меҳнаткаш, андишали юртдошларимиз орасида пул, бойлик учун ҳар қандай пасткашликдан тап тортмайдиганлари ҳам учраб турибди. Улар юқори маошли иш, орзулар ушалиши, гўзал ҳаёт ваъда қилиб, соддадил одамларни, айниқса, аёлларни ўз "тўр"ларига илинтиришаяпти.

Бугунги кунда одам савдосини тақиқловчи турли халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлса ҳам, бу муаммо ечилмай қолмоқда. Шу боис, 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, мамлакатимизда ушбу жиноятга қарши курашиш билан бирга, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди.

Касални даволашдан кўра унинг олдини олган яхши, дейишади. Шу нақлга амал қилаётган вилоятимиз прокуратураси бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда юқоридаги қонун ва Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида иш олиб бориб, муайян ютуқларга эришиб келмоқда. Айниқса, одам савдосига қарши курашиш масаласида олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишларининг кучайтирилгани ҳамда фуқароларнинг ушбу жиноят тўғрисидаги шикоят ва аризаларининг назоратга олиниши яхши натижалар бермоқда. Жумладан, Республика Бош прокуратураси ва Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссиянинг ташаббуси билан республика Миллий театрида драматург Усмон Азимов асари асосида театр бош режиссёри Валижон Умаров томонидан саҳналаштирилган "Огоҳ бўлинг, одамлар!" номли номли спектакль вилоятимиз аҳлига ҳавола қилинди.

Спектаклда одамфурушлар қўлига алдов йўли билан тушиб қолган Мавжуда исмли жувоннинг чет элда хўрланиши, инсон қадр-қимматини камситувчи тазйиққа дучор бўлиши ва охир-оқибат яхши инсонлар ёрдамида уйига қайтиб келиши таъсирчан тасвирланган. Спектаклдан сўнг томошабинларнинг спектакль ҳақидаги фикрлари билан қизиқдим:

Жавлон Искандаров, Боғот "Иқтисодиёт ва сервис" касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:

— Талабаларнинг онги, тафаккурини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида коллежимизда турли тадбирлар, учрашувлар кенг миқёсда олиб борилади. Лекин тўғрисини айтсам, бугунги спектаклнинг таъсири бутунлай бошқача бўлди. Спектаклни томоша қилаётган талабаларим орасида бир-иккита тарбияси оғирроқ ёшлар ҳам бор эди. Ишонасизми, воқеалар ривожланиб, ўз кулминацион нуқтасига етганда ўша йигитлар ҳам Мавжуданинг хўрланишига чидолмай, пиқ-пиқ йиғлашди. Одамфурушлар қўлга олинишини эса, ҳалиги талабалар хурсандчиликдан чапак чалиб юборишди. Мана сизга тарғибот ва ташвиқотнинг жонли образлар орқали ифода қилинишининг таъсири.

Садоқат Қурёзова, талаба:

— Очиғини айтаман, бирор мартаям театрга бориб, спектакль томоша қилмаганман. Лекин бугун биринчи марта спектакль томоша қилдим, воқеалар ривожини кузатиб бордим. Севимли актёрларимиз асардаги ҳар бир воқеани жонли образлар орқали бизга шунақанги усталик билан етказиб бериширишдики, мен саҳнадаги воқеалар ичига кириб қолгандай бўлдим, гўё. Образлар кулса-кулдим, йиғласа-йиғладим. Хуллас, спектаклдан бир олам таассурот олдим. Театрни бир умрга севиб қолдим. Қани энди, шундай спектакллар тез-тез намойиш этиб турилса...

Неъматжон Ҳошимов, маънавият фани ўқитувчиси:

— Спектаклга гап йўқ. Ҳақиқатан ҳам ҳозир товламачи, фирибгарлар кўпайиб кетган. Улар ҳар қадамда учрайди. Мавжуда билан дугонаси ҳам бегона бир аёлнинг алдовига учишди. Унинг шахсини суриштиришмади, андиша қилишдими? Агар салгина ҳушёрроқ бўлишганида, бунчалар кўргуликлар бошларига тушмаган, дугонаси эса азобларга чидай олмай ўзини-ўзи ўлдирмаган, ҳоки бегона юртда қолиб кетмаган бўларди. Шунинг учун ҳурматли ватандошларимдан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишларини илтимос қилиб қолардим. Ҳурматли аёлларимизга, айниқса, сингилларимизга бир маслаҳатим бор. Кўча-кўйдами, кафе, поезд ё автобусдами, қаерда бўлмасин, бегона киши таклиф қилган ҳар қандай турдаги ичимлик ёки егуликни текширмасдан истеъмол қилманг. Шуни билингки, фирибгарнинг сизларни қўлга олишдаги энг ишончли қуроли бу — ширин сўз ва ҳушдан кетказувчи дори қўшилган чиройли идишдаги ичимликдир. Эҳтиёт бўлинг, аёллар!

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, фақатгина огоҳ ва ҳушёр бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларга қарши курашиш фақат прокуратура ёки ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши эмас, балки барча ҳамюртларимизга ҳам тааллуқлидир. Унинг умуммиллий фожиа эканлиги ва ёмон оқибатларга олиб келишини унутмаслигимиз шарт.

Баҳодир БЕКМУРОДОВ,
Боғот тумани Қулонқорабоғ қишлоғи

Кака «Милан»га қайтиши мумкин



Бундан уч йил муқаддам катта орзулар билан Миландан Мадридга йўл олган Рикардо Кака энди собиқ жамоасига қайтиши мумкин. У "Реал" таркибида мустаҳкам ўрин эгаллай олмади ва кўп вақтини заҳирада ўтказди. Шундай бўлса-да, Кака яқин-яқингача "Қироллик клуби"ни тарк этиш ниятини йўқлигини айтаётган эди. Бироқ бундай юлдузга заҳира ўринидиги яраш-маслигини тушунди чоғи отаси, ўз навбатида, унинг агенти ҳисобланмиш Боско Лейтенинг саъй-ҳаракатлари билан Италияга қайтиш имкониятига эга бўлиб турибди. Ҳатто бунинг учун Кака маошининг ярмидан воз кечишига тўғри келади. Каканинг айни вақтда "Реал"да олаётган маоши 10 миллион евроні ташкил қилади. Хабар қилинишича, Сильвио Берлускони юлдуз футболчи учун йилига 5 миллион евродан кўп тўламоқчи эмас.

Эслатиб ўтамиз, Кака 2009 йилда "Милан"дан "Реал" клубига 67 миллион евро эвазига ўтган эди.

Снейдер Аҳмедовнинг жамоадоши



Маълумотларга қараганда, Италиянинг "Интер" клуби ярим ҳимоячиси Уэсли Снейдер Махачқалъанинг "Анжи" клубига ўтишга яқин турибди. Италиянинг "Il Corriere dello Sport" нашри хабар беришича, шу ҳафта футболчи ўзининг собиқ жамоадоши Самюэл Это'О билан учрашган. Камерунлик футболчи голландиялик ярим ҳимоячини "Анжи"га ўтишга кўндирган.

Sportbox.ru сайтининг тахминича, Снейдернинг трансфер қиймати "Анжи"га 25 миллион еврога тушади ва футболчи йилига 15 миллион евро олади.



Номзодлар номи эълон қилинди

Куни кеча УЕФА ташкилоти 32 та футболчидан иборат бўлган Европанинг энг яхши футболчиси номига сазовор бўлишга даъвогар футболчилар номини эълон қилди. Ушбу номзодлар сафи августга келиб, учтага қисқариши керак бўлади. Чунки уёғига сараланган учта футболчи ичидан энг яхши футболчи номини аниқлаш лозим.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, рўйхатдан Евро-2012 ғолиби Испания терма жамоасининг 8 нафар футболчиси ҳам жой олган. Қуйида номзодларнинг тўлиқ рўйхати билан танишишингиз мумкин.

Агуэро (Аргентина, "Манчестер Сити"), Хаби Алонсо (Испания, "Реал"), Балотелли (Италия, "Манчестер Сити"), Блаичиковски (Польша, "Боруссия" Д), Буффон (Италия, "Ювентус"), Касильяс (Испания, "Реал"), Чех (Чехия, "Челси"), Коэнтрау (Португалия, "Реал"), Дэвис (Уэльс, "Бангор Сити"), Дрогба (Кот-д'Ивуар, "Челси"), Фабрегас (Испания, "Барселона"), Фалькао (Колумбия, "Атлетико"), Харт (Англия, "Манчестер Сити"), Иброхимович (Швеция, "Милан"), Иньеста (Испания, "Барселона"), Кагава (Япония, "Боруссия" Д), Компани (Бельгия, "Манчестер Сити"), Лэмпард (Англия, "Челси"), Месси (Аргентина, "Барселона"), Модрич (Хорватия, "Тоттенхэм"), Ўзил (Германия, "Реал"), Пепе (Португалия, "Реал"), Пирло (Италия, "Ювентус"), Серхио Рамос (Испания, "Реал"), Раул (Испания, "Шальке"), Криштиану Роналду (Португалия, "Реал"), Руни (Англия, "Манчестер Юнайтед"), Давид Сильва (Испания, "Манчестер Сити"), Торрес (Испания, "Челси"), Яҳё Туре (Кот-д'Ивуар, "Манчестер Сити"), ван Перси (Голландия, "Арсенал"), Хави (Испания, "Барселона").

Спорт хабарларини **Мақсудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёрдамчиси Ғайратдин Нурикеевга отаси
Юсупбой НУРИКЕЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Huquq yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV | Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (*Bosh muharrir o'rinbosari*)
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV | Shavkat YODGOROV (*mas'ul kotib*)
Svetlana ORTIQOVA

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. 🄯 — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-4979. 47 029 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617